

86.38.
Ж-53.

فقه العنكبوت



ҲАНАФИЙ ФИКХИДАН

САВОЛ - ЖАВОБЛАР

Ҳасан Қодиров



Таҳорат китоби

1

86.38
14-53

فقه العلامة



ХАНАФИЙ ФИКХИДАН

С А В О Л - Ж А В О Б Л А Р

Ҳасан Қодиров



Тахорат китоби



Тошкент 2017

УЎК: 297.17:348.97

КБК 86.38

Қ-53

«Hilol-nashr» нашриёт-матбаасига 2011 йилда фазилатли
шайх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф ҳазратлари
томонидан асос солинган

*Фазилатли шайх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф раҳ-
матулоҳи алайҳининг шогирдларидан бири, Тошкент шаҳ-
ридаги «Мулла Холмирза ота» масжидининг имом-хатиби,
Тошкент Ислом институти ўқитувчиси Ҳасан Каримбер-
ди ўғли (Кодиров) мамлакатимиз мўмин-мусулмонларининг
фиқҳий илмларга бўлган талаб-эҳтиёжларини қондирishiغا
ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида «Ҳанафий фиқҳидан савол-
жавоблар» рукни остида туркум рисолаларни тайёрлашига
киришиди. Бу рисолалар Ислом фиқҳининг муҳим мавзуларига
оид савол-жавоблардан тузилади. Сизларга тақдим қили-
наётган ана шу рисолаларнинг биринчиси поклик ва таҳо-
ратга багишланди.*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмитанинг 1807-рақамли хуносаси асосида тайёрланди.

Қ-53

Нашрга тайёрловчи: Ҳасан Қодиров
Ҳанафий фиқҳидан савол-жавоблар.
Т.: «Hilol-Nashr», 2017. – 96 б.

УЎК: 297.17:348.97
КБК 86.38

ISBN 978-9943-4819-2-3

© Нашрга тайёрловчи: Ҳасан Қодиров
© «HILOL-NASHR» нашриёти, 2017.

ТАҚРИЗ

Ислом дини қадимдан фикҳи бўйича дунёга устоз бўлган. Шуниси қизиқки, фикҳ илми бўйича китоблар тадвин қилинган даврдан то ҳозирги кунимизгача кўплаб китоблар ёзилди. Уларнинг барчаси бир Ислом динининг фикҳи борасида баҳс қилса ҳам, ҳаммасининг ўзгача руҳи, мазаси ва ўрни бор.

«Мулла Холмирза ота» жомеъ масжиди имом-хатиби, «Кўкалдош» ўрта-маҳсус ислом билим юрти ва Имом Бухорий номли Тошкент Ислом институти мударриси Қодиров Ҳасан домла нашрга тайёрлаган «Ҳанафий фикҳидан савол-жавоблар» туркум рисолаларининг биринчиси, яъни таҳорат бобига бағишланган қисми ҳозирги кундаги аҳамиятга эга китоблардан бири бўлиши шубҳасиз.

Бу рисола ҳанафий мазҳабининг мўтабар китоблари: «Бадое ус-саное», «Ҳидоя» ва унинг шарҳлари ҳамда «Тасҳилуз-Зарурий» каби ўнлаб манбалардан саралаб олинган масалалардан тузилган бўлиб, савол-жавоб услубида, содда ва равон тилда ёзилган.

Бу рисола халқимизнинг маънавияти юксалиши, диний илмининг ўсиши ва асосийси ҳанафий фикҳида ўзига хос бир қўлланма бўлиши шубҳасиз.

Шуларни эътиборга олиб, бу рисоланинг нашр қилиниши халқимиз, толиби илмлар ва имом домлаларимизга бирдек кераклидир.

*Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси,
муфтий Усмонхон Алимов*

СҮЗБОШИ

Аллоҳ таолога мақтовлар, Пайғамбаримиз Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга салавотлар бўлсин. Аммо баъд:

Ислом фиқхи, хусусан ҳанафий фиқхи Ислом динининг ибодат ва муомалот ҳукмларини ўзида қамраган. Ислом фиқхини тартиблаш ва китобат қилиш (тадвин) бошланганидан то ҳозирги кунимизга қадар минглаб фахихлар томонидан кўплаб китоблар ёзилган. Улар мавзу жиҳатидан бир хил бўлса ҳам, услуб, талқин, ёзилиш маҳорати ва бошқа жиҳатларига кўра турличадир.

Биз ҳам яхши ниятлар билан ҳалқимизнинг фиқҳ имига бўлган талабини қондиришга бироз ҳисса қўшиш ниятида «Ҳанафий фиқхидан савол-жавоблар» мавзуда туркум рисолалар тайёрлашни мақсад қилдик. Бу ишимиз билан ўтган азизларимиз, устозларимизнинг илмларидан териб олган дуру жавоҳирларимизни ҳалқимиз билан баҳам кўришни орзуладик.

Кўлингиздаги рисола «Ҳанафий фиқхидан савол-жавоблар» туркумидаги рисолаларнинг биринчиси бўлиб, бунда асосан таҳорат китобига тегишли масалалар савол-жавоб услубида қисқача баён қилиб берилган. Рисолани тайёрлашда ҳанафий мазҳабининг мўътабар китобларидан «Фатавои ҳиндия», «Бадоеус-саное», «Ҳидоя» ва унинг шарҳлари, «Гасҳилуз-Зарурий» ва бошқа кўплаб китоблардан фойдаланилди. «Ҳанафий фиқхидан савол-жавоблар» туркум рисолаларининг кейинги қисмлари ҳам навбати билан намоз китоби, закот китоби ва ҳоказо тарзда ўқувчиларимизга тақдим қилиб борилади. Аллоҳ таоло Ўзининг розилигини истаб қилаётган хайрли ишларимизга барака ва тафвиқ берсин!



БИРИНЧИ ФАСЛ

ПОКЛИК ВА НАЖОСАТ ҲАҚИДА

1) Таҳоратнинг таърифи нима?

Таҳорат луғатда «моддий нажосатлардан покланиш ва тозаланиш» маъносини билдиради. Гоҳида маънавий иллатлардан покланишга ҳам таҳорат сўзи ишлатилади. Мисол учун, бир кишининг нафси филлу ғаш, ҳasad ва кўролмасликдан узоқда бўлса, «фалончининг нафси пок» дейилади.

Таҳорат шариатда: а) нажосатлардан покланиш, яъни, бадан, кийим ва маконнинг айни нажосатлардан пок бўлишидир; б) кичик ва катта бетаҳоратликдан покланиш. Кичик бетаҳоратликдан таҳорат қилиш билан, катта бетаҳоратлик (жунублик)дан эса ғусл (тўла ювиниш) билан покланади.

Изоҳ: намоз учун қилинадиган таҳоратнинг синиии «кичик бетаҳоратлик» дейилади. Эр-хотин яқинлик қилиб бир-бираидан ҳузурланганда ёки киши уйқусида булгангандаги нопоклик «катта бетаҳоратлик» бўлади. Бу «жунублик» ҳам дейилади.

2) Таҳорат (покланиш) неча турли бўлади?

Икки хил бўлади: ҳукмий покланиш ва ҳақиқий покланиш.

3) Ҳукмий ва ҳақиқий таҳорат (покланиш) деб нимага айтилади?

Кичик ва катта бетаҳоратликдан покланиш «ҳукмий таҳорат (покланиш)» дейилади. Юқорида зикр қилгани миздек, кичик бетаҳоратликдан таҳорат қилиш билан ва катта бетаҳоратликдан эса ғусл қилиш билан покланилади. «Ҳақиқий таҳорат» деб кўриниб турган нажосат ва нопокликлардан покланишга айтилади. Мисол учун: кийимга теккан нажосатни ювиш.

4) Бетаҳоратликдан покланиш неча турли бўлади?

Уч хил бўлади: вузуъ (таҳорат), ғусл ва таяммум.

5) айни нажосат нима?

Шариат ўта ифлос деб ҳисоблаган ва ундан узоқлашишни ҳамда у билан ифлосланишдан сақланишни воҷиб қилган моддий нажосатdir.

6) айни нажосатлар нечта турли бўлади?

1. Тўнғиз. У хоҳтирик бўлсин, хоҳ ўлиқ бўлсин, барча аъзолари билан бирга нажосатdir.

2. Ўлимтик. У қўй ва қорамолга ўхшаш гўшти ейилдиган ёки бўри ва тулкига ўхшаш гўшти ейилмайдиган ёввойи ҳайвоннинг ҳаром ўлгани бўлсин – барибир ҳаромdir.

3. Икки йўлдан: кишининг олди ёки орқасидан чиқадиган сийдик, ахлат, маний, мазий, қурт ва тошчага ўхшаш суюқ, оқувчи ёки қуюқ нарсалар.

4. Қон. Одамнинг, сувда яшайдиган ҳайвонлардан бошқа ҳайвонларнинг қони ва жисмидан оқиб чиқсан қон нажосатdir.

5. Бадандан чиқиб, ўз ўрнидан бошқа жойга оққан ииринг.

6. Оғизни тўлдирадиган ёки ундан кўпроқ миқдордаги қусуқ ҳам нажосат саналади. Кўп миқдордаги қусуқ оғиз тутиб тура олмайдиган қусуқдир. Бу хоҳ ёш боланинг қусуғи бўлсин, хоҳ катта кишиники бўлсин, фарқи йўқ. Аммо оғизни тўлдирмайдиган даражадаги кам миқдордаги қусуқ покдир. У кийимга тегса, нопок қилмайди.

7. Маст қилувчи ичимликларнинг барча турлари.

8. Бўри, тулки ва йўлбарсга ўхшаш гўшти ейилмайдиган ҳайвонларнинг гўшти, сути, сўлаги ва териси. Уларнинг гўшти нажосатдир. Териси, сўлаги ва сути гўштидан ажраб чиққани учун гўштининг ҳукмида бўлади.

7) Нималар ўлимтиқ ҳисобланади?

Мусулмон ёки аҳли китоблардан бўлган киши Аллоҳ номи билан тифли нарса ёрдамида сўймаган ёки овда жароҳатланмай ўзи ўлган ва касаллик билан ўзи ўлган ҳайвонлар ўлимтиклардир.

8) Нималар ўлимтиқка киради?

Шариатга мувофиқ сўйилмай, балки ўзи ўлган барча ҳайвонлар ҳамда мусулмон ёки аҳли китобдан бошқанинг қўли билан отиб (овлаб) олинган ўлжа ҳам ўлимтиқ ҳисобланади. Қуйидагилар ҳам нажосатлик бобида ўлимтикнинг ҳукмида бўлади:

а) бўғиб ўлдирилган, тифлиз нарса билан уриб ўлдирилган, тепалиқдан йиқилиб ўлган, сузиб ўлдирилган ҳайвон ҳамда йиртқич ҳайвон ғажиб ўлдирган ҳайвонлар.

б) Аллоҳга имон келтирмаган мулҳид (худосиз) киши ва оловга, бутларга ёки юлдузларга сиғинадиган мушрик сўйган жонликлар.

в) мажусий (оташпаст) ва шу каби бошқа тоифаларнинг Аллоҳдан бошқанинг номи билан сўйган жонлиқлари.

г) ношаръий йўллар билан, яъни бўғиш, электр токи ёрдамида, тешадиган бигизсимон асбоб санчиш ёки темир асбобни бошига уриш йўллари билан «сўйилган» ҳайвонлар.

Изоҳ: мазкур амалиётлар таъсирида кўп ҳолларда бундай йўллар билан сўйилган ҳайвонларнинг жони сўйишидан олдин чиқиб кетган бўлади.

9) Бир киши юқорида зикр қилинган ҳайвонларни тирик ҳолатда топиб сўйиб олса, уни еса бўладими?

Ҳа, агар у ҳайвонларни ўлишидан олдин шариат кўрсатмаларига мувофиқ равища сўйиб олса, ўша жонлик забиҳа (шаръий сўйилган жонлик) ҳисобланади ва уни ейиш мумкин.

10) Қайси ўлимтиклар нажосат эмас?

а) оқувчи қони бўлмаган чигиртка, пашша, ниначи ва чаёнга ўхшаш ҳашаротларнинг ўлимтиги пок, лекин чигирткадан бошқаси ейилмайди. Шунингдек, фақат сувда яшайдиган ҳайвонларнинг ўлимтиги ҳам покдир.

б) мусулмон ёки аҳли китобнинг қўли билан, камон ўқи ёки найза ва пичоқقا ўхшаш тиғли нарса билан (Аллоҳ номини айтиб) отиб ўлдирилган овланадиган ҳайвонлар нажосат саналмайди.

в) балиқ ва чигиртканинг ўлимтиги ейилади, шунинг учун покдир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизларга икки ўлимтик: балиқ ва чигиртка ва икки қон: жигар ва қораталоқ ҳалол қилинди», деганлар. Абу Довуд, *Насоий ва Ибн Можса ривояти*.

г) ўлимтикнинг туки, юнги, шохи ва туёғига ўхшаш қон юрмайдиган аъзолари пок. Ўлимтикнинг териси ошлаш билан пок бўлади.

Изоҳ: одам ва тўнгиздан ташқари барча ўлимтик ҳайвонларнинг териси ошлаш билан пок бўлади. Одам мукаррам бўлгани, тўнгиз ўта најосат бўлгани учун териси пок ҳисобланмайди. Одамнинг ҳар қандай аъзоси, ҳатто сочи ҳам мукаррам ҳисобланади ва уларнинг савдоси мутлақ ҳаромдир.

11) Икки йўл: олд ва орқадан чиқадиган нарсалардан поклари ҳам борми ёки ҳаммаси најосатми?

Учиб юриб тезак чиқарадиган, гўшти ейиладиган кушларнинг (масалан, кабутар, чумчук) тезаги ҳам покдир. Агар бу иккиси кийимга тегса, кийимни нопок қилмайди. Икки йўлдан чиқувчи қолган барча нарсалар најосатдир.

12) Қандай қон чиқса ҳам најосат ҳисобланмайди?

– барча турдаги балиқлар қони, чунки улар сувда яшайдиган ҳайвондир;

– чивин, бурга ва битнинг қони. Чунки уларнинг қони жуда оз бўлиб, оқмайди;

– одамнинг жароҳатида пайдо бўлиб, ўз жойида тўпланиб, оқмаган қон. Агар у ўз жойидан оқса, најосат ҳисобланади;

– жонлиқни сўйгандан кейин гўштининг томирида қолган қон, чунки у оқувчи қон эмас.

13) Қонлик ҳукмидан истисно қилинадиган қонлар қайсилар?

Жигар ва қораталоқнинг қони. Чунки Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизларга икки ўлимтиқ: балиқ ва чигиртка ва икки қон: жигар ва қораталоқ ҳалол қилинди», деганлар. *Абу Довуд, Насорий ва Ибн Можса ривояти.*

14) Қуюқ йириңг ва суюқ йириңг нима?

Қуюқ йириңг қоннинг айниб, ҳидланиб, қуюқлашганидир. У ўз жойидан ташқарига оқса, қоннинг ҳукмида бўлади. Яъни: ўзи нажосат ва таҳоратни синдиради.

Суюқ йириңг қоннинг пишиб етилиб, суюқлашганидир. У ҳам қоннинг ҳукмида бўлади.

15) Қуидагилар ҳам нажосатлардан ҳисобланадими?

- гарчи кўп бўлса ҳам балиқнинг, чивиннинг ва пашшанинг қони;
- аёл фаржининг ташки ёки ички қисмida пайдо бўлган намлик;
- янги туғилган бола, қўзичоқ ва тухум устидаги нажосат аралашмаган намлик;
- йиртқич қуш ва йиртқич ҳайвонларнинг пат, тирноқ, тук, суяқ, тиш ва шох каби жони ва руҳи йўқ аъзолари;
- заҳарли ўсимликлар, тамаки, сурма нажосат ҳисобланмайди.

16) Суюқ ва қуюқ нарсалар нима сабабли нажас бўлади?

Сув, сут каби суюқ нарсалар нажосатга тушиши ёки унга нажосат тушиши билан нажас бўлади.

Қуюқ нарсалар устига суюқ нажосат тушиши ёки нажосат бўлган нарсаларнинг нами унга ўтиши билан нажас бўлади.

17) Бир киши қуруқ нажосатни қўли билан ушласа, қўли нажас бўладими?

Унинг қўли нажас бўлмайди. Шунингдек, она ёки бошқа киши ёш боланинг қуруқ нажосатли кийимини ушлаб кўтариши билан ҳам қўли нажас бўлмайди. Шунинг учун уламолар «Қуруқдан қуруқقا нажосат ўтмайди» деган қоидани ишлаб чиқишиган.

18) Қуруқ пок кийим сиқилганда томчиламайдиган нажосатли нам кийимга ўралса нажас бўладими?

Йўқ, пок, қуруқ кийим нажас бўлмайди. Чунки намлик нажосатли кийимдан қуруқ кийимга ўтиб, уни нажосатга айлантирмайди.

19) Бир киши қўли ёки баданини нажас сочиқ билан артса, унинг қўли ёки бадани нажосат бўладими?

Йўқ, унинг қўли ёки бадани нажосат бўлмайди. Чунки бу ҳолатда сочиқ қўл ёки бадандан намликини ўзига олади. Сочиқдаги нажосат қўлга ёки баданга ўтмайди. Агар қўл ёки баданда нажосат асари (ранги ёки ҳиди) пайдо бўлсагина нажосат бўлади.

20) Бир киши қуруқ нажосатли тўшакда ухлаб, бадани терласаю, тўшак унинг теридан ҳўл бўлса, бадан нажас бўладими?

Унинг бадани нажас бўлмайди. Лекин баданида нажосат асаридан ҳид ёки ранг пайдо бўлса, бадан нажас бўлади. Чунки тўшак қуруқ бўлгани учун бадандан чиққан терни ўзига олади. Бадан ҳўл бўлгани учун нажосатни ўзига олмайди.

21) Агар пок ҳўл кийим қуруқ ердаги қўриниб турган қуруқ нажосат устига тушса, у кийим нажас бўладими?

Пок кийим ерга тушгани сабабли ер ҳўл бўлса ҳам у кийим нажас бўлмайди. Кийимда нажосат асари (ранги ёки ҳиди) пайдо бўлсагина у кийим нажосат бўлади.

22) Агар қуюқ шинни ва қотган ёғга ўхшаш қуюқ модда устига суюқ нажосат тушса, шинни ёки қотган ёғнинг барча қисми нажас бўладими?

Йўқ, унинг ҳамма қисми ҳам нажас бўлмайди, балки нажосат теккан устки қисмигина нажас бўлади. Щу қисмини сидириб олиб ташлаш билан қуюқ шинни ёки ёғнинг

қолган қисми поклигича қолади. Агар қуюқ шинни ва қотған ёғ устига қаттиқ нажосат түшса, фақат нажосат атрофи нажас бўлади. Нажосат атрофини ўйиб олиб ташлаш билан шинни ёки ёғнинг қолган қисми поклигича қолади.

23) Оқувчи қон гўштга ёпишса, нима бўлади?

Гўшт нажосат ҳисобланади.

24) Балиқ ва сувда яшайдиган ҳайвонларнинг қони кийимга тегса, нажосат қиласдими?

Нажосат қилмайди.

25) Агар кийимга бир дирҳамдан оз миқдордаги нажас ёғ тегса, кейин у ёйилиб бир дирҳамдан кўп бўлиб кетса, нима бўлади?

Бундай кийим билан намоз ўқиб бўлмайди.

26) Сийдик томган кийим сувга ташланса, сув нажас бўладими?

Ха, агар ўша кийимдаги нажосат оз бўлса ҳам сувнинг барчаси нажас бўлади. Кийим эса худди нажас сувга бўктирилгандек бўлиб қолади.

27) Агар ҳўл оёғини қуруқ нажас ерга ёки қуруқ нажас гиламга қўйса, оёқ нажосат бўладими?

Бунда оёқ нажосат бўлмайди. Агар қуруқ оёқни ҳўл нажас ерга қўйганда агар оёғи ҳўлланса, у нажосат бўлади. Агар оёғи ҳўлланмасдан, намланса оёқ нажосат бўлмайди. Оёққа озгина миқдорда нажосат тегишининг эътибори йўқ.

28) Қуриган тезак ёки нажосатли тупроқни шамол учириб кийимга теккизса, кийим нажосат бўладими?

Агар кийимда нажосат асари (ранги, хиди) кўринмаса, кийим нажосат бўлмайди.

29) Агар шамол нажосатлар устидан келиб, ҳўл кийимга тегса ва унда нажосатнинг ҳиди билинса, кийим нажосат бўладими?

Кийим нажосат бўлади. Агар нажосатнинг ҳиди ёки тутуни қуруқ кийимга ёки баданга тегса, нажосат қилмайди.

30) Уйнинг ичидаги тезак ёқилиб, унинг тутуни ёки буғи уй шифтига қўтарилиб ёпишса, кейин шифт эриса ёки терлаб, суви кийимга тегса, кийимни нажосат қиладими?

Агар кийимда нажосатнинг асари (ранги, ҳиди) пайдо бўлмаса, кийимни нажосат қилмайди.

31) Бир киши маний тегиб қуриган тўшакнинг устида ухласаю, сўнгра терлаб тўшак хўл бўлганида баданида ҳўлликнинг асари пайдо бўлмаса, нажосат бўладими?

Бу ҳолда бадан нажосат бўлмайди. Агар тер тўшак хўл бўладиган даражада кўп бўлиб, унинг хўли баданга тегиб, танада унинг нишонаси пайдо бўлса, бадан нажосат бўлади.

32) Агар эшак сувга сийсаю, бу сачраб инсоннинг кўйлагига тегса, шу кўйлакда намоз ўқиса бўладими?

Намоз ўқиса бўлади. Агар у кўп бўлиб, унинг сийдиклигига ишончи комил бўлса, у ҳолда ўқимайди. Худди шунингдек, тезаклар сувга отилса, шундан кийимга сачраса, кийимда нажосат пайдо бўлса, бу кийим билан намоз ўқилмайди, агар пайдо бўлмаса, намоз ўқилаверади.

33) Агар отнинг оёғида нажосат бўлсаю, у сувда юрганида у сувдан отлиқнинг кийимида сачраса, кийим нажосат бўладими?

Агар унинг кийимида нажосат асари кўринмаса, нажосат бўлмаслиги тўғрироқ.

34) Ҳожатхонада кийимга пашша ўтирса, кийим нажосат бўладими?

Нажосат бўлмайди.

35) Бир кишининг оёғига лой тегса ёки лойда юрса, уни ювмасдан намоз ўқиса, намози жоиз бўладими?

Жоиз бўлади. Агар лойда нажосат асари бўлса, жоиз эмас, лекин оёғини ювгани яхши.

36) Агар пок тупроқ нажосат сув билан қорилса ёки нажосатли тупроққа пок сув қўшилса, бу лой нажосат саналадими?

Бунда лой нажосат бўлади.

37) Агар нажосатли сомон лойга қўшилса, лой нажосат бўладими?

Агар сомон кўп бўлиб кўриниб турса, нажосат бўлади. Ундей бўлмаса, нажосат саналмайди. «Фатавои Қозихон»да «қўриса пок бўлиб кетади», дейилган.

38) Агар масжид тўшагининг устида ит ухласа, тўшак нажосат бўлмайдими?

Агар тўшак қуруқ бўлса, нажосат бўлмайди, агар ҳўл бўлиб, тўшакда нажосатнинг асари кўринса, нажосат бўлади.

39) Агар ноннинг ичидан сичқоннинг тезаги чиқса, нима бўлади?

Агар тезак қаттиқ бўлса, тезакни олиб ташлаб нонни еса бўлаверади.

40) Агар сут соғилган идишга қўйнинг қумалоги тушиб кетса, нима бўлади?

Агар у зудлик билан олиб ташланса, нажосат бўлмайди. Агар титилиб-майдаланиб кетса, у нажосатга айланади. Чунки бутун қумалоқнинг устида парда бўлиб, нарса ўтказмай туради.

41) Итнинг жунидан кийимга боғич қиласа бўладими?

Бўлади, зарари йўқ.

42) Сувлар неча турли бўлади?

- Окувчи сувлар: дарё, канал, жилға, сой сувлари.
- Кўлмак (туриб қолган) сувлар: ҳовуз, ботқоқ, турли идишлардаги сувлар.
- Осмондан тушган ва ердан чиққан сувлар.

43) Кўп сув нима-ю оз сув нима?

Кўп сув: кенг жойни эгаллаб, одам унинг бир тарафини ҳаракатлантиrsa, ҳаракат бошқа тарафиға етиб бормайдиган, ҳажми ўн зирога ўн зиро, чуқурлиги бир қарич микдордаги сув.

Оз сув: юқорида зикр қилинган микдорга етмаган сувдир.

44) Окувчи сув нажас бўладими?

Агар сувда оз бўлса ҳам нажосатнинг асари: ранги, таъми ёки ҳиди пайдо бўлмаса, окувчи сув нажас бўлмайди.

45) Инсонлар анҳор ёки дарёning қирғозида бир қатор тизилиб таҳорат қилишлари жоизми?

Ҳа жоиз, чунки окувчи сув истеъмол (ишлатилган) сувга айланмайди. Агар бир тарафидан сув кириб, бошқа тарафидан чиқиб кетадиган кичик ҳовуз бўлса ҳам кўп сонли кишилар унинг ҳар тарафида таҳорат қилишлари жоиз бўлади. Чунки у окувчи сувга ўхшайди.

46) Окувчи сувнинг бирор хусусияти ўзгарса, нима бўлади?

Окувчи сувнинг ҳиди, таъми ёки рангидан бири ўзгарса, бунда «нажосат» деб ҳукм қилинади. Қачон сувдаги ўзгариш кетиб, сув ўз ҳолига қайтганидан кейин «пок» деб ҳукм қилинади.

47) Озгина кўлмак сув нажас бўладими?

Ҳа, агар унга жуда оз бўлса-да нажосат аралашса, озгина кўлмак суви нажас бўлади. Аммо кўп микдордаги

кўлмак суви эса оқувчи сув ҳукмидадир, яъни бундай сувда оз бўлса ҳам нажосатнинг асари – ранги, таъми ёки ҳиди пайдо бўлмаса, у нажас саналмайди.

48) Ҳанафийлар наздида сувни бўлак ёки микдор билан ўлчаш қабул қилинганми?

Йўқ, ҳанафий мазҳабидагилар наздида сувнинг кам ёки кўплигини аниқлашда бўлак ёки микдорни эътиборга олиш қабул қилинмаган. Ҳанафийларнинг наздида бир тарафидан иккинчи тарафига нажосат ўтмайдиган сув кўп сув ҳисобланади. Ибнул Ҳумом сувнинг бир тарафидан иккинчи тарафига нажосат ўтиш ёки ўтмаслигини ҳакам қилган. Яъни, бир тарафидан иккинчи тарафига нажосат ўтмайди, деб ҳукм қилинса, у кўп микдордаги сув, агар бир тарафидан иккинчи тарафига нажосат ўтади деб ҳукм қилинса, у оз микдордаги сув ҳисобланади.

49) Агар сув кўп бўлиб, унга нажосат аралашсану нажосат асарлари пайдо бўлмаса, бу сув покми ё нажасми?

У сув пок ҳисобланади, гарчи кейин камайиб оз бўлиб қолса ҳам поклигича қолади.

50) Агар сув оз бўлса ва унга нажосат аралашса, у сув нажас бўладими?

Ҳа, бундай сув нажас бўлади. Гарчи кейин унга сув кўшилиб, кўп сувга айланса ҳам пок ҳисобланмайди. Чунки у нажас сувдир, унга пок сув аралашса ҳам аввалги нажас сув сабабли у ҳам нажас бўлади. Агар кўп сувга нажосат тушиб, кейинчалик камайиб қолса ҳам нажосат бўлмайди. Чунки, нажосатнинг тушиш ҳолати эътиборга олинади.

51) Агар сувда чивин, пашша ва ниначига ўхшаш оқувчи қони бўлмаган нарсалар ўлса, сувни бузиб, нажас қиласдими?

Сувни бузмайди ҳам, нажас ҳам қилмайди.

52) Сувда балиқ, бақа ва қисқичбақага ўхшаш сувда яшайдиган ҳайвонларнинг ўлиши сувни најас қиласидими?

Сувни бузмайди ҳам, нажас ҳам қилмайди.

53) Ҳовуз ва кўлмакларнинг суви қандай покланади?

Оқишлик билан, яъни, бир тарафдан янги сув киргизиб, бошқа тарафдан эски сувини чиқариш билан пок бўлади.

54) Сувнинг таърифи нима?

Сув покловчи шаффоф (рангсиз) суюқликдир. Булар сувнинг табиати ҳам дейилади.

55) Табиий ҳолатдаги сув неча қисмга бўлинади?

1. Ўзи пок ва покловчи сув.

2. Ўзи пок, лекин таҳорат ва жанобат (катта бетаҳоратлик)дан ғусл қилишга яроқсиз, аммо бошқа најосатларни поклайдиган сув.

3. Ўзи пок, лекин бошқани покловчи бўлмаган сув (ишлатилган сув).

4. Ўзи пок, бошқани поклашида шак бор, яъни поклашга яроқлилигига шак бор сув.

5. Нажас сув.

56) Ўзи пок, ҳам бошқани покловчи сув нима?

Бу оддий сувдир. У булоқ ёки дарё ёки денгиз ёки ёмғир суви бўладими, яна шўр ёки чучук сув бўладими, бунинг фарқи йўқ. Унга ер конлари ва тузга ўхшаш ер моддаларининг араласиши ҳамда дарахт барглари, мева ва шунга ўхшаш пок нарсаларнинг тушиши (гарчи сувнинг ранги ёки таъми ўзгарса ҳам) зарар қиласиди. Шунингдек, сувнинг ерда ёки ҳовузларда кўп туриб қолиши ёки унда бақатўн, моҳ (сувдаги зангор рангли

майдада ўсимлик) кабиларнинг пайдо бўлиши билан сувнинг ранги ўзгаргани зарап қилмайди.

57) Ишлатилган сув нима?

У баданга савоб ниятида (таҳорат устига яна таҳорат қилиш) ёки таҳорат ва ғуслга ишлатилган сувдир. Агар инсон ғусл ёки таҳоратдан сўнг ишлатилган сувни тўплаган бўлса ҳам, у сув таҳорат ёки ғуслга яроқли бўлмай, балки тозалашда ва моддий нажосатни поклашда ва бошқа нарсаларда ишлатишга ярайди. Яъни: ишлатилган сув бадан ёки кийимга теккан тезак, қонга ўхшаш моддий нажосатларни поклайди.

Изоҳ: нажосатлар икки қисмга бўлинади:

1. Ҳақиқий нажосатлар, булар моддий нажосатлардир. Масалан, сийдик, орқа йўлдан келадиган ахлат, маний, мазий, қон, ииринг ва шунга ўхшаш шариат нажосат деб ҳисоблайдиган нарсалар. Бу каби моддий нажосатларни поклаш учун ишлатилган сув нажас ҳисобланади;

2. Ҳукмий нажосатлар: кишининг таҳорати синиб, баданида моддий нажосат бўлмаса, у кишининг таҳоратда ювиши фарз бўлган аъзолари ҳукмий нажосат ҳисобланади. Масалан, бир кишига ғусл вожиб бўлса, баданидаги моддий нажосатлар теккан жойи ҳақиқий нажосат ва моддий нажосатлар тегмаган қисми ҳукмий нажосат ҳисобланади. Таҳорат ёки ғусл қилганда моддий нажосатлар йўқ бўлса ёки олдин ювиб кетказилган бўлса, таҳорат ёки ғусл қилган сувнинг ўзи пок (бадан ёки кийимга теса, нажас қилмайди), лекин таҳоратга яроқли бўлмайди, балки тозалаш, моддий нажосатни поклаш ва бошқа нарсалар учун ишлатишга ярайди. Агар таҳорат ёки ғусл қилиш асносида бадандаги моддий нажосатлар ҳам ювиб покланган бўлса, у сув нажосат сувга айланиб қолади.

58) Баъзи гул ва мевалар сувининг ҳукми қандай?

Атиргул, тарвуз суви, мева ва шунга ўхшаган нарсаларнинг суви ҳам ишлатилган сувнинг қисмларидан-дир. Улар таҳорат ёки ғуслга яроқли эмас, лекин тозалаш, моддий нажосатни поклаш ва бошқа нарсаларда ишлатишга яроқлидир.

59) Бошқа нарсанинг сифатлари ғолиб келган сув қайсилар?

Булар ловия, исмалоқ ёки пиёз қайнатилган ёки унга сут ёки сиркага ўхшаш нарса аралаштирилиб, ушбу ара-лашган нарсаларнинг ранги ва таъми ғолиб келган сувлардир. Масалан, сутнинг ранги ғолиб бўлган ва сутнинг таъми ҳам пайдо бўлган сув. Бундай сувлар билан таҳорат қилинмайди, чунки уларда бошқа нарсаларнинг сифати ғолиб келиб, сувлик табиатидан чиқиб кетгандир.

Аммо оз микдорда гул суви ёки атир аралаштириб хушбўй қилинган ёки заъфарон ва масхарга ўхшаш ўсимликлар билан рангли қилинган сув бошқа нарсаларга таъсир қилмайдиган хушбўй ва пок сувдир, яъни таҳоратга яроқлидир. Чунки улар оз бўлгани сабабли уларнинг сифати сувнинг сифатидан ғолиб келмайди.

60) Яхшироқ тозалаш учун сувга пок совун, сидр (сидр ўсимлиги барги), ишқорлар қўшилса, ўша сув билан таҳорат қиласа бўладими?

Агар сув қуюқлашиб, сувлик сифатидан чиқиб кетмаса, таҳорат қилиш жоиз.

61) Ўзи пок, лекин бошқани покламайдиган сув қандай бўлади?

Бу ўзи пок, лекин таҳорат ва ғусл ёки моддий нажосатларни кетказишга яроқли бўлмаган, тупроқ, цемент ва шунга ўхшаш қаттиқ нарсага аралашиб билан сувлик

хусусиятини йўқотган сувлардир, чунки уларнинг суюқлик ва оқувчанлиги кетиб, қуюқлашиб қолган бўлади.

62) Ўзи пок, лекин покловчилигига шак бўлган сув қандай бўлади?

Эшак ёки хачир ичганидан ортиб қолган оз миқдордаги сув. Чунки эшак ва хачирнинг қолдиғи поклигига шак бўлган қолдиқлардандир.

63) Нажас сув қандай сув?

Нажосат тушган оз миқдордаги сув нажас бўлади. Унда нажосат асаридан бирор нарса кўринадими ёки кўринмайдими, бунинг фарқи йўқ.

64) Қолдиқ сув нима?

Одам ёки гўшти ейиладиган ҳайвонлар ва йиртқич бўлмаган қушлар ичгандан қолган оз миқдордаги сув қолдиқ сувдир.

65) Қолдиқ сув неча қисм бўлади?

Тўрт қисмдир:

1. Ўзи пок ва бошқани покловчи қолдиқ.
2. Ишлатиш жоиз бўлмаган нажас қолдиқ.
3. Ишлатиш мақруҳи танзиҳий бўлган қолдиқ.
4. Ўзи пок, лекин поклашида шак бўлган қолдиқ.

66) Ўзи пок ва бошқани покловчи қолдиқ сув нима?

Одам ичган сув. Ўша одам мусулмон, кофир, пок ёки жунуб киши бўладими ёки ҳайз, нифос кўрган аёл бўладими, бунинг фарқи йўқ. Қўй, сигирга ўхшаган гўшти ейиладиган ҳайвонлардан ва йиртқич бўлмаган қушлардан қолган сувлар ҳам одамдан қолган сувга ўхшайди.

67) Ишлатиш жоиз бўлмаган нажас қолдиқ сув нима?

Ит ёки тўнғиз ёки қоплон ва бўрига ўхшаш йиртқич ҳайвонлар ичган сувлардан ортгани.

68) Ишлатиш макруҳи танзиҳий бўлган макрух қолдиқ сув қандай сув?

Сув ичишидан олдин кўздан ғойиб бўлгани сабабли оғзининг ноклиги маълум бўлмаган уй мушугининг, нажас ва пок нарсалар орасида айланиб юрадиган уй товуғининг ва бургут, калхат ва қарғага ўхшаш йиртқич кушларнинг қолдиқ сувлари макруҳи танзиҳийдир.

69) Ўзи пок, лекин нокловчилигига шак бўлган қолдиқ сув қандай бўлади?

У таҳоратга яроқлилигига ва моддий нажосатни кетказишида шак бўлган сувдир. Масалан, эшак ва хачирдан қолган сув. Гўштини ейишнинг мубоҳлигига далиллар қарама-қарши бўлгани учун хачирдан қолган сув ҳам эшакнинг қолдиги каби шакли саналади.

70) Ҳаммага маълум бўлган ҳовуз нима?

У остидан сув қайнаб чиқадиган ёки жилға ва ёмғир сувлари жамланадиган хос чуқур жой. Шунингдек, қўл билан кавланган эски ва янги ҳовузлар.

71) Сувлар ҳақидаги асосий ҳукмлар нималар?

1. Кабутар, чумчук ва шунга ўхшаш гўшти ейиладиган кушларнинг тезаги билан сув бузилмайди ва нажас ҳам бўлмайди.

2. Балиқ, бақа, ари ва чаёнга ўхшаш оқувчи қони бўлмаган жонзотларнинг сувда ўлиши билан сув бузилмайди.

3. Қисқичбақа, курбақа ва итбалиқقا ўхшаш сувда яшайдиган ҳайвоннинг сувда ўлиши билан ҳам сув бузилмайди. Мазкур уч ҳолатда сувнинг кам ёки қўплигининг фарқи йўқ.

72) Катта ҳовуз нима?

У сатҳи ўн газга – ўн газ (10×10) ҳажмдаги ҳовуз бўлиб, бундай ҳовуз кўп сувнинг ҳукмидадир (бир газ – 61,6 см)

73) Агар катта ҳовузга нажосат тушса ва унда нажосат асари (таъми, ҳиди ёки ранги) пайдо бўлса, унинг суви нажас бўладими?

Ҳа, агар унда нажосат асари пайдо бўлса, нажас бўлади. Агар нажосат асари пайдо бўлмаса, сув пок ва покловчи ҳолида қолади. Агар сув нажас бўлса, қуидаги усууллар билан сувнинг ҳаммаси чиқариб ташланади:

1. Ҳовуз (ёки қудук)дан сув белакнинг ярми тўлмай қолгунча олиб ташланади. Шунда қудук ҳам ва унга қўшилиб арқон, ғалтак, белак ва олувчининг қўли ҳам пок бўлади.

2. Агар ҳовуз (ёки қудук) сувининг бир қисми олиниб, эртасига ҳовуз (ёки қудук)нинг суви сизиб чиқиб кўпайиб қолган бўлса, кечаги олинган сув миқдорича яна сув олиб ташланади. Агар остидан сув сизиб чиқмайдиган ҳовуз бўлса, барча суви чиқариб ташланади.

3. Ҳовуз (ёки қудук) остида қайнаб чиқадиган булок бўлгани сабабли сувнинг ҳаммасини олиб ташлашнинг имкони бўлмаса, сувни чиқариб ташлаш бошланган вақтдаги миқдорича сув олиб ташланади. Сув кириб турдиган ҳовузнинг суви нажас бўлганда ҳовуздаги сув миқдорича сув кириб, шунча сув бошқа томонидан чиқиб кетиши билан унинг суви пок бўлади.

74) Кичик ҳовуз нима?

Кенглиги ўн газга – ўн газ ҳажмдан кичик бўлган ҳовуздир.

75) Қачон қудук суви нажас деб эътибор қилиниб, сувнинг ҳаммасини олиб ташлаш вожиб бўлади?

Қуидаги ҳолларда:

1. Сийдик ёки маст қилувчи ичимликнинг томчиси каби оз бўлса-да, нажосат тушганда.

2. Тирик бўлса-да, чўчқанинг тушиши билан.

3. Унда ит, кўй ёки одамнинг ўлиши билан.
4. Унда сичқон, қуён ва шу каби кичик ҳайвоннинг ўлиб шишиб кетиши ёки титилиб кетиши сабабли.
5. Унга бўри ва қоплон каби йиртқич ҳайвонлардан бирортасининг тушиб кетиши ёки сўлагининг сувга тушибиши билан.
6. Унга баданида нажасат бўлган инсон ёки гўшти ейиладиган ҳайвоннинг тушибиши билан.

76) Қудук суви нажас бўлганда сувининг маълум бир қисмини олиб ташлаш билан пок бўладими?

Куйидаги ҳолатларда қудук сувининг маълум бир қисмини олиб ташлаш билан пок бўлади:

1. Қудукқа сичқон, чумчук ва шу катталиқдаги ҳайвонларнинг тушиб ўлиши сабабли йигирма челак олиб ташлаш билан покланади. Йигирма челак олиб ташлаш вожиб, бундан кўпроқ олиб ташлаш мустаҳабдир.

2. Товуқ ёки мушук ёки катталиги шуларга ўхшаган ҳайвонларнинг қудукқа тушиб ўлиши сабабли қирқ челак сув олиб ташлаш билан покланади. Қирқ челак олиб ташлаш вожиб, бундан кўпроқ олиб ташлаш мустаҳабдир.

3. Агар қудукда сичқон билан бирга мушук ҳам ўлган бўлса, бунинг ҳукми мушук тушгандаги ҳукм бўлади, яъни қирқ челак сув олиб ташлаш билан покланади. Кичик ҳажм (сичқон) катта ҳажмнинг (мушук) ичига кириб кетади. Сувни олишдан олдин қудукдан ўлик ҳайвонни чиқариб ташлаш вожиб бўлади.

77) Сувни олиб ташлашнинг ҳукмлари қандай?

1. Агар ўлимтикнинг гўшти ва шунга ўхшаш нарсалар қудукда қолган бўлса, сувни олиб ташлашдан олдин ўлган ҳайвонни ёки нажас моддани қудукдан чиқариб олиш вожиб бўлади.

2. Кудукдан бир неча чөлак сувни олиб ташлаш во-
жиб бўлганда ўша қудуқнинг ўз чөлаги эътиборга оли-
нади. Агар қудуқнинг ўз чөлаги катта бўлса, қудуқларда
ишлатиладиган одатий чөлак эътиборга олинади.

3. Сувни олиб ташлашда қайси чөлак билан бўлса
ҳам белгиланган миқдорни олиб ташлаш муҳимдир.

4. Вожиб бўлган миқдорни олиб ташлашда чөлак-
нинг ярмидан кўпининг тўлиши кифоя қиласди. Агар чө-
лакни тортиш вақтида чөлак қийшайиб, ундан сувнинг
бир қисми тўкилиб кетса ҳам зарар қилмайди.

5. Сувни олиб ташлаш билан қудуқнинг ўзи, унинг
қолган суви, арқони, чөлаги ва олувчининг қўли ҳам
пок бўлади.

78) Нажосатлар қандай покланади?

Нажосат сув ёки сирка, атиргулнинг суви ва мева-
ларнинг сувига ўхшаш оқувчи, суюқ ва нажосатни кет-
казувчи барча суюқликлар билан покланади. Сўлак би-
лан ҳам поклаш жоиз. Шунга кўра, ҳайвоннинг боласи
онасининг елинини уч марта эмса, пок бўлади.

79) Нажосатни сув билан поклаш қандай бўлади?

1. Агар нажас бўлган нарса чинни ва сирли идиш-
ларга ўхшаш нажосатни ўзига сингдирмайдиган нарса
бўлса, факат ювиш билан покланади.

2. Агар нажас бўлган нарса пахта, жун ва кийим каби
нажосатни кўп сингдирадиган нарса бўлса, уни ювиш
ва сикиш билан ёки ювиш ва сикишнинг ўрнига ўтади-
ган амал билан покланади.

**80) Бир киши мева, идиш, тош ва шунга ўхшаш
нарсаларни сув билан ювса ёки таҳоратли киши қў-
лидаги чанг ёки уннинг юқини ювса, ўша сув ишла-
тилаган сув ҳукмида бўладими?**

Йўқ, бу ишлатилган сув ҳукмида бўлмайди. Чунки бу сув бетаҳоратликни кетказиш ёки қурбат (савоб) учун ҳам ишлатилмаган. Бетаҳоратликни кетказиш ёки қурбат (савоб умидида таҳорат устига таҳорат) учун фойдаланилган сув «ишлатилган сув» ҳисобланади.

81) Бир киши таомланиш учун ёки таомдан кеийин суннатни ният қилиб қўлини ювса, бу сув ишлатилган сувга айланадими?

Ҳа, у ишлатилган сувга айланади. Чунки суннатни бажариш ҳам қурбатдир.

82) Нажосатнинг турлари қайси?

Нажосат икки хил: кўринадиган ва кўринмайдиган турларга бўлинади.

83) Кўринадиган нажосат қандай бўлади?

Бунда нажосатнинг ўзи ёки асари нажосат теккан нарсанинг устида кўриниб туради. Кўринадиган нажосат фақат нажосатнинг ўзи кетиши билангина пок бўлади. Афзали такрор-такрор ювиб сиқишидир. Агар нажосатнинг асари кетмаса, ювилаверади ва тоза сув чиқкунича сиқиласди.

84) Қонга ўхшаш, кўриниб турган нажосат қандай покланади?

Нажосатнинг айнан ўзи кетиши билан покланади. Неча марта ювишнинг фарқи йўқ. Нажосатнинг асари қолса, қаралади: агар асари (ранги, ҳиди) қоладиган нажосат бўлса, унинг қолишининг зарари йўқ. Агар асари қолмайдиган нажосат бўлса, асари кетгунича ювилади. Агар сиқишининг имкони бўлса, сиқиласди.

85) Кўринмайдиган нажосат қандай нажосат?

У маст қилувчи ичимликлар ва нажас сувга ўхшаш теккан нарсанинг устида нажосатнинг ўзи ёки асари кўринмайдиган нажосатдир.

90) Балғам билан буруннинг суви нажосат ҳисобланадими?

Йўқ, улар нажосат эмас. Улар чиқиши билан таҳорат синмайди ва кийимга тегса, намоз ўқиса бўлаверади. Лекин улар инсон табиати жирканадиган нарсалар бўлгани учун одамларнинг кўзи тушадиган жойларга ташламаслик лозим.

91) Ҳўллаб артишнинг маъноси нима?

Бир кишининг баданидан бир қисми нажосат бўлса-ю ўша жойни хўл мато билан уч марта артганда баданидан сув томса, пок бўлади. Шунингдек, хўл қўли билан артганда ҳам сув оқса, пок бўлади. Чунки бу амал бундай ҳолатда ювиш ҳукмида бўлади, артиш ҳукмида эмас.

92) Қуритишдан мақсад нима?

Қуритиш билан ер ва ерга туташган ҳар бир дараҳт, ўт-ўлан, асфальт, бетон қоплама, кафел, фишт, бўёқ ва шу каби нарсалар пок бўлади. Улардан нажосатнинг асари кетсагина, куриши билан пок бўлади. Агар нажосатнинг асари кетмаса, фақат ювиш билан покланади.

93) Ишқалашдан мақсад нима?

Ишқалаш билан кийим ва бадандаги қуруқ маний пок бўлади. Унинг асари (ранги ёки ҳиди) қолишининг зарари йўқ.

94) Суркаб ишқалашдан мақсад нима?

Суркаб ишқалаш билан маҳси ва кавушга теккан жуссоли (куюқ) қуруқ ёки хўл нажосатнинг асари ҳам кетса, пок бўлади.

95) Нажосатнинг ён-атрофидан ўйиб олишдан мақсад нима?

Яъни, бу билан нажосат теккан қисм бошқасидан ажратиб олинади. Бу йўл билан нажосат теккан қотган ёғ (сариёғ, шинни ва шу кабилар) покланади.

96) Сув билан аралашмайдиган моддалардан мақсад нима ва у қандай покланади?

Ёғ, суюқ сариёғ ва шу кабиларнинг устига ўз миқдорига тенг даражада қайноқ сув қуйилади ва сув ёғга сунъий равишда аралашиб кетгунча аралаштирилади. Ёғ тепага кўтарилиганида ажратиб олинади. Шу иш уч марта такрорлангандан сўнг ўша ёғ пок бўлади.

97) Ўлимтикнинг териси қандай покланади?

Улар ошлаш билан покланади. Кўй, сигир каби гўшти ейиладиган ҳайвоннинг териси бўладими ёки бўри ва йўлбарс каби гўшти ейilmайдиган ҳайвонники бўладими, бунинг фарқи йўқ.

98) Илоннинг териси покми?

Илон тасмия (бисмиллаҳ) айтиб сўйилса ҳам териси пок бўлмайди. Чунки уни ошлаб бўлмайди. Илоннинг пўсти покдир. Кийимга тегса, нажосат қилмайди.

99) Уйқудаги кишининг сўлаги покми?

Покдир. У оғзидан келадими ё қорнидан келиб, оғзи орқали чиқадими, бунинг фарқи йўқ. Ўликнинг сўлаги эса нажосатдир.

100) Ипак қурти покми?

Ипак қуртининг ўзи ҳам, ахлати ҳам покдир.

101) Филнинг суяги ва сўлаги покми?

Фил суягининг поклиги сахихдир. Филнинг сўлаги қоплон ва шернинг сўлаги каби нажасдир. Агар хартуми билан кийимга тегса, нажосат қилади.

102) Нажас модданинг пок моддага айланishiiga нималар мисол бўлади?

Хамр (маст қилувчи ичимлик) сиркага айланса ёки тезак кулга айланса ёки ҳайвонлардан олинган нажас ёғлар совун қилинса, пок моддага айланади.

103) Нажосат қандай қилиб олов билан покланади?

Олов билан тезак кулга айлангани каби ёндириш билан нажосатнинг асари кетганида ёки сўйилган қўйнинг калласидаги қон ўрни куйдирилганида нажосатнинг ҳолати ўзгаради (яъни бир ҳолатдан бошқасига ўтади) ва пок бўлади.

104) Нималар титиш билан пок бўлади?

Нажосатнинг асари кетадиган даражада оз нажосат бўлган пахта титиш билан пок бўлади. Чунки сув пахтани бузади.

105) Пахта ва унга ўхшашиб титиладиган нарсаларга нажосат тегса, қандай покланади?

Агар титиладиган нарсанинг ҳаммаси ёки ярми нажосат бўлса, у титиш билан покланмайди. Агар титгандада мана шу билан нажосат кетди деб ўйлайдиган даражада оз теккан бўлса, титиш билан пок бўлади.

106) Нима қазиши билан пок бўлади?

Кўринадиган нажосат теккан тупроқли ер нажосатнинг асари кетгунига қадар тепаси остига қилиб афдариш билан пок бўлади.

107) Ер қандай қилиб покланади?

Ер куриши билан нажосатнинг асари кетса, пок бўлади. Шунингдек, пойдевори ерга туташган девор, курилган кошин ва дарахт ва ўсимликлар ҳам куригани сабабли нажосатнинг асари кетса, пок бўлади.

108) Агар ернинг устида нажосат асари пайдо бўлса, у қандай покланади?

Тупроқли ер нажосатнинг асари кетгунича устидан сув қувиш билан пок бўлади. Чунки сув ўзи билан бирга нажосатни кўчириб олиб кетади ва ер покланади. Бу ҳолатда тупроқли ернинг куриши шарт эмас. Ер қазиши билан ҳам пок бўлади. Ер яна нажосатнинг асари йў-

қолгунича тупроқнинг уст қисмини тагига қилиб ағдарилса ҳам пок бўлади.

109) Уй ва масжидларнинг ҳовлиси қандай покланади?

Агар ундан нажосатнинг асари кетса, қуритиш билан покланади. Чунки қуритиш билан поклаш орқали у пок бўлиб қолади. Агар унга сув тегса ҳам қайта нажосат бўлмайди.

110) Ердаги нажосат кўринадиган бўлса, қандай покланади?

Бунинг бир қанча йўллари бор:

1. Нажосат устидан уч марта сув қўйиш ва ҳар сув куйганда тоза мато билан нажосат асари кетгунга қадар қуритиш (шимдириш) билан покланади.

2. Нажосат устига гарчи оз бўлса-да ёмғир ёғиб, нажосат асарини кетказса, пок бўлади.

3. Агар нажосат устидан кўп сув қўйилиб, нажосат ўрнидан оқизилиб асари кетказилса ҳам покланади.

4. Агар нажосат оз бўлиб, устидан бир чеълак сув қўйилганда сув унинг устидан бир зиро (62 см) ёки ундан кўпроқ микдорда оқса, у жой пок бўлади.

111) Кичик ҳовузлар ва қўтариш мумкин бўлмаган ўта катта идишлар қандай покланади?

Абу Бакр Аъмашнинг фикрига кўра, уч марта сув кириб чиқиб кетиши билан пок бўлади. Абу Жаъфар Ҳиндувоний ва Абу Лайс Самарқандийнинг фикрига кўра эса сув киргач, нажосат чиқиб кетганидан кейин яна бир марта сувнинг тўлиқ кириб-чиқиб кетиши ва яна бироз сув кириб-чиқиши билан пок бўлади.

112) Нажосатларни ювиб поклашнинг йўли қандай?

Оқар сувда ювиш билан пок бўлишида шубҳа йўқ.
Устидан сув қуиб покласа ҳам бўлади.

113) Ит ялаган идиш қандай покланади?

Ит ялаган идиш уч марта ювиш ва ҳар ювганда куритиш билан покланади.

114) Агар асал нажосат бўлиб қолса, қандай покланади?

Унга сув қўшиб, оловга қўйиб қайнатилади. То сув кетиб, асалнинг ўзи қолгунича уч марта шундай қилинади. Шинни ва қиём ҳам шундай покланади.

115) Бетаҳорат мусофириларниң кийимида бир дирҳам миқдорда нажосат бўлса-ю, унда фақат таҳорат қилиш ёки кийимини поклашга етадиган сув бўлиб, бошқа сув топилмаса, бу ҳолда нима қиласи?

Кийимини ювади ва таяммум билан намозини ўқиди. Чунки нопок кийим билан таҳоратли ҳолда намоз ўқиганидан кўра таяммум қилиб, пок кийим билан намоз ўқигани яхшироқ.

116) Томда нажосатлар бўлиб, улардан оққан сув тарновдан тушса, бунинг ҳукми нима бўлади?

Томнинг тўрт тарафи бор, деб оладиган бўлсак, агар нажосат томнинг бир ёки икки тарафида бўлса, тарновдан тушган сув пок ҳисобланади. Агар нажосат томнинг уч (яъни ярмидан кўп) тарафида ёки тарновнинг ўзидаги бўлса ундан тушган сув нопок ҳисобланади.

117) Томнинг тарновига яқин жойда бир нажосат бўлса ва ёмғир ёққанда тарновдан тушадиган сувнинг ҳаммаси ёки кўпроғи ёки ярми шу нажосатга тегиб, кейин тарновдан тушса, нима қилинади?

Бундай ҳолатда сув нажосат бўлади. Агар сувнинг ярмидан ози тегиб тушадиган бўлса, сув пок бўлади.

Агар томдаги нажосат тарновдан алоҳида (узоқроқ) жойда бўлса, тарновдан тушган сув нажосат бўлмайди.

Бу хусусда баъзи фатво китобларида шайхларимиз шундай дейишган: «Ёмғир тинимсиз ёққанида унинг ҳукми оқувчи сув ҳукмида бўлади. Агар тинимсиз ёмғир ёғиши натижасида томдаги нажосат тарновдан ерга оқиб тушса-ю, унинг суви кийимга сарабраса, кийимни нажосат қилмайди. Лекин оқиб тушган нажосат атрофидаги сувнинг бирор сифатини (ҳидини, таъмини, рангини) ўзгартириб юборса, кийимга теккан сув кийимни нажосат қиласди».

118) Тирик инсондан кесилиб тушган аъзонинг ҳукми нима?

Таркибида қони бор аъзо бўлса, нажосат ҳисобланади.

119) Нажосат ёки ўлган ҳайвоннинг устидан оқиб ўтган сувнинг ҳукми қандай?

Сувнинг ҳаммаси ёки кўп қисми нажосатнинг устидан оқиб ўтса, сув нажосат бўлади. Агар нажосатнинг устидан сувнинг озроқ қисми оқиб ўтса, нажосат бўлмайди.

120) Нажосатни кетказиш учун ишлатилган сувдан таҳорат қилиш ёки ичишдан бошқа мақсадда фойдаланиш жоизми?

Агар сувнинг ҳиди ёки таъми ёки ранги ўзгарса, у айни нажосатта ўхшаб қолади. Масалан, сийдикни кетказиш учун ишлатилган сувдан сийдикнинг ҳиди келиб қолса, сув сийдикнинг ўзига ўхшаб қолади. Бу сувдан бошқа мақсадларда, масалан, лой қориш ва ҳайвонга бериш мақсадида ҳам фойдаланиш жоиз эмас.

121) Бир жойда ёмғир сувлари тўпланган бўлса-ю, ундан сув сараган кийимда намоз ўқиса бўладими?

Агар сув нажосат бор жойлардан оқиб келиб бир жойда тўпланган бўлса, бу сув покдир. У оқувчи сувнинг ҳукмида бўлади. Агар сув нажосатнинг устида тўпланган бўлса, у нопокдир. Ундан сараган сув кийимни нажосат қиласди.

122) Агар бир киши шаррос ёмғир остида қолса ёки оқадиган сувга тушиб кетса, нима бўлади?

У таҳоратли бўлади. Сувга тушиб кетганида бутун баданига сув теккан бўлса оғзини ҳамда бурнини чайиб олади ва бу ғуслга ўтади! «Шарҳи Таҳовий»да «Таҳорат қилинганда ювиладиган аъзодан сувнинг оқиши шартдир», дейилган. «Зохирур-ривоя» китобида «Таҳорат қилинганда ювилган аъзолардан сув томмаса, таҳорат жоиз бўлмайди», дейилган. Абу Юсуф эса: «Таҳоратда ювилган аъзодан сувнинг томчилаб оқиши шарт эмас», деган.

123) Тарновдан кийимиға сув оққан киши нима қиласди?

Агар тарновда нажосат борлигига гумон қиласа, кийимини ювади. Ундей бўлмаса ювмайди. Агар нажосат борлиги ёки йўқлигига иккиланса, ювиш мустаҳабдир.

124) Бир киши ҳаммомнинг ваннасида ёки ваниага ўхшаш сув тўпланиб оқава қувурига кетадигаи ҳовуз-часида истинжо қилган (нажосат чиққаи жойларини ювган) бўлса, ўша жойда таҳорат қиласа бўладими?

Йўқ, бўлмайди. Унинг устидан сув қуйиб, нажас сувни оқизиб юборгандан кейингина ўша жойда таҳорат қиласа бўлади.

125) Бир кишининг кийимиға кўп миқдордаги нажосат теккан бўлсаю, лекин нажосат қуригач, асари кетиб ўрни билинмай қолса, нима қиласди?

Кийимининг ҳаммасини тўла ювади. Лекин нажосат теккан жой аниқ бўлса ёки бошқа жойга тегиш эҳтимо-

ли бўлмаса, ўша жойнинг ўзи ювилади. Кўпинча ич ки-йимларда маълум бир жойга нажосат тегиб қолганида шундай қилинади.

126) Танаси сувдан шалаббо бўлган ит силкинсаю, ундан сачраган сув бирор кишининг кийими-га тесса, теккан сув бир дирҳамдан (кафт кенглиги миқдоридан) ортиқ бўлса, нима қиласи?

Агар сув итнинг юнгидан ўтиб, терисига етган бўлса, кийимни ювади. Ундей бўлмаса, ювмайди.

127) Истинжонинг маъноси нима?

«Истинжо» олд ва орқа икки йўлнинг биридан чиқ-қан нажосатни сув ёки сув каби покловчи нарса билан кетказишидир.

128) Истижмориинг маъноси нима?

«Истижмор» сувдан бошқа тош, кесак каби нарсалар билан истинжо қилишидир. Бугунги кундаги истинжо учун ишлаб чиқарилган маҳсус ҳожатхона қофозлари ҳам шулар жумласидандир.

129) Истибронинг маъноси нима?

«Истибро» олд ва орқа нажосат чиқадиган жойни нажосатдан холи қилишга уриниш, хоссатан, қолиб кетган сийдик томчисини чиқариш учун (йўталиш, ўти-риб-туриш, сакраш каби) ҳаракатлар қилишидир.

130) Истинзоҳнинг маъноси нима?

Кийим ёки баданин сийдик томиб, нажас бўлиши-дан эҳтиёт қилиш «истинзоҳ»дир.

131) Қачон истинжо фарз бўлади?

Нажосат ўз чиқиши жойидан ўтганида, агар у қаттиқ нажосат бўлиб, бир дирҳам (3.17 г) миқдоридан ошса ёки суюқ нажосат бўлиб, кафт кенглигидан ошадиган миқдорда бўлса, истинжо фарз бўлади.

132) Қачон истинжо вожиб бўлади?

Нажосат ўз чиқиш жойидан ўтганида, агар у қаттиқ нажосат бўлиб, бир дирҳам миқдорига тенг ёки ундан ошмаса, суюқ нажосат бўлиб, кафт кенглиги миқдорига тенг ёки ундан ошмаса, истинжо вожиб бўлади. Бу афв қилинадиган чегаранинг охиридир. Яъни, у билан на-моз ўқилса, афв қилинади.

133) Қачон истинжо суннат бўлади?

Гарчи жуда оз бўлса ҳам, юқорида зикр қилинган миқ-дордан кам нажосатдан истинжо қилиш суннат бўлади.

134) Истинжо нима билан қилинади?

Сув, тош ва шунга ўхшаш қофоз, мато бўлаклари каби пок ва нажосатни кетказадиган барча жисмлар билан истинжо қилинади.

135) Истинжо қандай қилинади?

– истинжодан олдин ва кейин тасмия («бисмиллаҳ») айтилади;

– истинжо пайтида, аврати очиқ ҳолатда ва ҳожат чиқариладиган жойда бўлса, тасмия айтилмайди;

– истинжодан олдин ва кейин қўллар ювилади;

– бўғимларни бўш қўйиб ўтирилади;

– битта бармоғи билан истинжони бошлайди;

– истинжода фақат бармоқнинг коринчаларини иш-латади. Бармоқларининг учини ишлатмайди. Чунки бармоқлар учини ишлатиш орқа йўлга киритишга ўх-шаб қолади.

– Аёлларнинг ҳайз ва нифосдан кейин фаржларини бармоқ учи билан ювишлари вожиб бўлади. Таҳорат вактида бармоқ учи билан ювишлари суннатдир.

136) Агар сув билан истинжо қилиб, уни сочиқ билан қуритмасдан ел чиқарса, нима бўлади?

Кийими нажосат бўлмайди.

137) Истижмор қандай қилинади?

Истижмор сувсиз, тош, кесак ёки қофознинг ўзи билан покланишдир. Покликка ишонч ҳосил бўлгунча истижмор қилинади. Учта тош ёки учта қофоз билан қилиш мандубдир. Агар қофоз катта бўлса, яхшилаб покланиш учун ҳар артганда бошқа-бошқа томони билан артади. Агар нажосат ўз чиқиш жойидан ташқарига бир дирҳам миқдоридан ортиқ ёйилмаган бўлса, ундан кейин сув ишлатиш шарт эмас. Кишининг орқаси терлаб, кийимида ранг пайдо бўлса, зарари йўқ, бу нажосат ҳисобланмайди.

138) Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи вассаллам) бизни қайси нарсалар билан истинжо қилишдан қайтарганлар?

Ўнг қўл билан, қиблага юзланган ҳолда, тезак, суяк каби нарсалар билан истинжо қилишдан қайтарганлар.

139) Хало (ҳожат) одоблари қайсилар?

1. Халога борганда ўзини қийнамаслик ва соглиғига заарар бермаслик учун унда узоқ қолиб кетмаслик. Айниқса, бавл қилишда кўп ўтирмаслик керак.

2. Муносиб макон танлаш.

3. Агар филофга ўралмаган ва тўсилмаган бўлса халога ўзи билан бирга мусҳаф ёки Аллоҳ таолонинг исми ёзилган бирор нарсани олиб кирмаслик.

4. Киришдан олдин ушбу дуони ўқиши:

«اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْجُنُبِ وَالْخَيَّاثِ».

«Аллоҳумма инний аъзу бика минал хубси вал хобаиси» (Маъноси: «Аллоҳим, мен Сендан эркак ва ургочи жинлардан паноҳ беришингни сўрайман»).

5. Чап оёқ билан кириш.

6. Қиблага олд ва орқани қилиб ўтирмаслик.

7. Кудрати етгунча ўзини панага олиб тўсилиш. Ҳатто очиқ сахрода бўлса ҳам паналаниш зарур.

8. Заруратсиз гапирмаслик.

9. Бавл қилиш ва катта ҳожат чиқариш учун муносиб жой олиш.

10. Чап қўл билан истинжо қилиш.

11. Эҳтиёждан ортиқ кўп туриб қолмаслик.

12. Халодан ўнг оёқ билан чиқиш.

13. Истинжода ювиладиган жойни поклаш билан бирга қўлни ҳам поклаш.

14. Тош ва шунга ўхшаш нарсалар билан истинжо қилишда маҳсус йўл-йўриқ йўқ. (Суннат бўлган маҳсус адад ёки услуб йўқ бўлгани учун пок бўлгунича истинжо қилинади).

15. Одамларнинг йўлида ёки улар сояланадиган жойда ёки сув ичиладиган жойнинг яқинида ёки мевали дарахтнинг остида ҳожат чиқариш жоиз эмас.

140) Таҳорат олдидан айтиладиган тасмия («бисмиллаҳ») истинжодан олдин айтиладими ёки кейинми?

Истинжодан кейин айтилади. Чунки аврат очилган пайтда Аллоҳни зикр қилиш мақбул эмас. Агар истинжо қилинадиган жой ҳожатхонадан алоҳида бўлса, авратини очишдан олдин тасмия айтиш жоизdir.

141) Бу борада лаънат келтирувчи ишлар нималар?

Одамларнинг йўлида ёки сояланадиган жойида ҳожат ушатишга ўхшаш қабиҳ ишлар уни қилувчиларга лаънат келтиради.

142) Агар қурувчилар ҳожатхона биносини қиблага юзланадиган қилиб курган бўлса, нима қилиш керак?

Бу ҳолатда киши иложи бўлса, танаси билан қибладан бошقا томонга бурилиши лозим бўлади. Бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Қибла тарафга юзланиб ёки орқа қилиб ўтирманглар, лекин шарққа ёки гарбга қараб ўтиринглар» (муттафакун алайх) деган сўзларига итоат қилиш бўлади.

143) Одамлар пешобнинг тез ёки секин тугашига қараб фарқланадилар, бунда қандай йўл тутилади?

Баъзи одамларда пешоб тез тўхтайди. Баъзиларда эса юриш ёки йўталиш ёки эгилишдан кейин тўхтайди. Бу ҳолатда ҳар ким ўзига муносиб усулни танлайди. «Сийдик тегдимикан» деган васвасани кетказиш ва шайтонни ноумид қилиш учун ички кийимга озгина сув сепиб қўйиш мандуб бўлади.

144) Инсон халодан чиққанидан сўнг нима дейиши керак?

«غُفْرَانَكَ» أَوْ «الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَذْهَبَ عَنِ الْأَذْى وَعَافَأَنِي». .

«Гуфронака» ёки «Алҳамду лиллаҳилази азҳаба ъанниял аза ва ъафааний» (маъноси: «Мағфиратингни сўрайман. Мендан азиятни кетказиб, оғият берган Аллоҳга мақтовлар бўлсин») дейди.

145) Нажосат неча қисмга бўлинади?

Нажосат икки қисмга: оғир ва енгилга бўлинади.

146) Оғир нажосатнинг маъноси нима?

Унинг нажосатлиги ҳақида мазҳабнинг ҳукми аниқ. Лекин тия ва сигирга ўхшаш гўшти ейиладиган ҳайвонларнинг сийдиги каби бир тарафдан у ҳақда бирор қатъий далил йўқлиги ва иккинчи тарафдан инсонлардан мashaққат ва қийинчиликни кўтариш учун баъзи факих-

лар унинг нажосатлиги ёки поклиги ҳақидаги сўзларда шубҳага борганлар.

Изоҳ: оғир ва енгил најкосат фарқи қуйидагиларга кўра фарқланади. Оғир најкосат поклаш шарт бўлган најкосатдир. Нажосатлиги қатъий далил билан собит бўлганлари оғир најкосат ҳисобланади. Оғир најкосатга хамр (маст қилувчи ичимлик), оқувчи қон, ўлимтиқнинг гўшти, гўшти ейилмайдиган ҳайвонларнинг сийдиги, им ва гўшти ейилмайдиган ҳайвонларнинг қусуқ ва сўлаги, товуқнинг тезаги ва бошқалар киради.

Нажосатлиги қатъий бўлмаган далил билан собит бўлган најкосатлар енгил најкосат ҳисобланади. Енгил најкосатга от, қўй, сигир, туя ва кийикка ўхшаши гўшти ейилмайдиган ҳайвонларнинг сийдиги, лочин ва калхатга ўхшаши гўшти ейилмайдиган кушларнинг ахлати киради. Нажосатнинг енгил бўлиши сабаби унинг најкосатлиги тўгерисида фақиҳларнинг ихтилофи ва бу ҳақда қатъий далилнинг йўқлигидир.

147) Оғир најкосатдан қанча миқдори афв қилинади?

1. Товук ё ўрдакнинг ахлати ёки кийимга ёпишиб турган жуссали најкосатлардан бир дирҳам вазни миқдоричалиги афв қилинади.

2. Сийдик, қон ва mast қилувчи ичимликларга ўхшаш бадан ёки кийимдаги суюқ најкосатлардан кафткенглиги миқдоричалиги афв қилинади.

148) Дирҳам ҳозирги вазн ўлчовида қанчага тенг келади?

Бир дирҳам 3,17 гр.га тенгдир.

149) Енгил најкосатдан қанча миқдори афв қилинади?

1. Агар нажосат кийимга теккан бўлса, кийимнинг енг, ёқа каби қисмининг тўртдан бир микдоридан озроқ қисмидаги енгил нажосат афв қилинади.

2. Агар нажосат қўл ва оёққа ўхшаш аъзоларга теккан бўлса, нажосатли аъзонинг тўртдан бир микдоридан озроқ қисмидаги енгил нажосат афв қилинади.

150) Агар кийимга ёки баданга кафт кенглигидан кам бўлган суюқ нажосат тушиб, сўнг терлаш натижасида ёйилса, у билан намоз дуруст бўладими?

Ха, у билан намоз дуруст бўлади. Чунки у кейин ёйилган бўлса ҳам аслида афв қилинадиган микдорда эди. Шунингдек, дирҳам микдоридан кам бўлган қаттиқ нажосат терлаш натижасида ёйилса, у билан ўқилган намоз ҳам дуруст бўлади.

151) Бир кишига нажосат етган вақтда унинг микдорини билиш учун нажосат ўрнини ўлчаш талаб қилинадими?

Йўқ, унга назар солиш ва чамалаб қўриш кифоя қиласди. Агар у дирҳам вазнидан оғирроқ ёки кафт чуқурлигидан кенгроқ деб гумон қилинса, уни кетказиш лозим бўлади. Агар ундан кам деб гумон қилинса, хохласа у билан намоз ўқийверади ёхуд ундан покланади. Чунки покланиш суннатдир.

152) Агар кийим ва баданга биргаликда бўлак-бўлак майда нажосатлар тегса, нима қилинади?

Назар солиб, барчасининг микдори чамалаб қўрилади. Агар бўлак-бўлак нажосатлар жамланганда намоз учун афв қилинадиган микдордан ошса, у билан намоз ўқиш дуруст бўлмайди. Агар уларнинг йиғиндиси намоз учун афв қилинадиган микдордан кам бўлса, у билан намоз ўқиш дуруст бўлади.

153) Намоз учун нажосатни кетказишининг ҳукми нима?

1. Агар жуссали (қуюқ) нажосат дирҳам вазни миқдоридан ошса ёки суюқ нажосат кафт кенглиги миқдоридан ошса, уни кетказиш фарз бўлади ва у билан намоз ўқиш дуруст бўлмайди.

2. Агар жуссали (қуюқ) нажосат дирҳам вазни миқдорича бўлсаю, ундан ошмаса ва суюқ нажосат ҳам кафт кенглиги миқдорича бўлиб, ундан ошмаса, уни кетказиш вожиб бўлади. У билан намоз ўқиш макрухи таҳримийлик билан дуруст бўлади.

3. Агар нажосат бу миқдорлардан кам бўлса, у билан намоз ўқиш дуруст бўлади. Бу нажосат афв қилинган миқдор бўлса ҳам, уни кетказиш суннатдир. Чунки у сув ва суюқ нарсаларга аралашса, ўзи оз бўлса ҳам, оз миқдордаги сувни нажосат қиласди.

154) Бир киши бир ерда намоз ўқисаю, лекин унинг яқинида нажосат бўлса, намози дуруст бўладими?

Намоз ўқувчининг намоз ўрнигина пок бўлиши шартдир. Атрофидаги нажосатлар унга зарар қилмайди. Лекин намознинг ҳурмати учун нажосатдан узокроқ жойда намоз ўқиш мустаҳаб бўлади.

155) Намоз ўқилаётган ўринда бир дирҳамдан оз қуюқ нажосат ёки бир кафт миқдоридан оз суюқ нажосат бўлса, намози дуруст бўладими?

Ҳа, агар нажосат оз бўлса, намози дуруст бўлади.

156) Намоз ўқиётган кишининг қўли ёки тиззаси қўйиладиган жойда кўп миқдордаги қуруқ нажосат бўлса, намози ўтадими?

Ҳа, унинг намози ўтади. Чунки сажда қилганда кўл ва тиззани ерга қўйиб сажда қилиш сажданинг шартларидан эмас. Сажда қилганда икки қўл ва тиззани ерга қўйиш суннат амалдир.

157) Киши икки оёғи турадиган жойда қўп миқдордаги қуруқ нажосат бўлган ҳолда намозга киришса бўладими?

Йўқ, бундай ҳолатда намозга киришиб бўлмайди. Ҳатто пок жойда намозни бошлаб, нопок жойга ўтса ҳам намози бузилади.

158) Оғизни тўлдириб қусса ва таҳорат қилса, лекин оғзини ювмаса ва шу ҳолда намоз ўқиса бўладими?

Намоз ўқиш жоиз бўлади. Чунки оғиз тупукни ютиш билан пок бўлади.

159) Қайси нажосатлар афв қилинади?

1. Гўшти ейиладиган қушларнинг ҳавода учган ҳолда чиқарган ахлати (тезаги) афв қилинади.

2. Лойли кўчада кийим ёки баданга теккан, унда нажосатнинг асари бўлмаган лой афв қилинади. Агар у лойда нажосат асари кўриниб турса, у афв қилинмайди.

3. Игнанинг учлари каби кичик бўлган нажас сув ёки сийдикнинг сачраши афв қилинади.

4. Нопок нарсани ёндирилганда кўтариладиган тутур кийим ёки баданга тегса ҳам афв қилинади.



ИККИНЧИ ФАСЛ

ТАҲОРАТ (ВУЗУЬ) ҲАҚИДА

1) Таҳорат (вузуъ)нинг луғавий маъноси нима?

Биздаги намоз ўқиш учун қилинадиган таҳорат араб тилида «вузуъ» дейилади. Арабча «вузуъ» сўзи «ал-ва-зъят» (тозалик) калимасидан олинган бўлиб «гўзаллик, нурли бўлиш» деган маъноларни англатади. Чунки у ўз соҳибининг покланишига, юзининг нурли бўлишига ва яхшиликларини юзага чиқаришга сабаб бўлади. Бу бобда «таҳорат» деганда намоз учун қилинадиган таҳорат назарда тутилади.

2) Таҳоратнинг шаръий маъноси нима?

Аллоҳ таоло таҳорат оятида зикр қилганидек, учта аъзони ювиш ва бошга масҳ тортиш таҳоратдир.

Аллоҳ таоло:

﴿ يَتَأْيِهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِذَا قُمْتُمْ إِلَى الْصَّلَاةِ فَاغْسِلُوا وُجُوهَكُمْ وَأَيْدِيَكُمْ إِلَى الْمَرَافِقِ وَامْسَحُوا بُرُءُ وَسِكُمْ وَأَرْجُلَكُمْ إِلَى الْكَعْبَيْنِ ﴾

«Эй имон келтирғанлар! Намозга турар экансиз, іюзингизни, құлларингизни тирсакларигача ювинглар, бошингизга масҳ тортинглар ва оёқларингизни тұңиқларигача ювингизлар!» деб марҳамат қылган (*Моуда сураси, 6-оят*).

3) Таҳоратнинг инсонга қандай фойдалари бор?

Таҳорат инсонга бу дунёда тозалик ва поклик, охиратда эса нур ва гүзіллік беради. Исломдаги намоз, тавоф, Куръон қироати каби ибодатлар таҳорат билан адо этилади. Бунинг далили сифатида Имом Муслим үз «Саҳиҳ»ида ушбу ҳадисни келтиради: «Саҳобалар Ра-сулulloх соллаллоху алайҳи васалламдан: «Қиёмат куни кейин келадиган умматларингизни қандай танийсиз?» деб сұрашди. Ра-сулulloх соллаллоху алайҳи васаллам: «Улар таҳорат асаридан пешоналари ярқираган ҳолда келишиади ва мен уларни Ҳавзи Кавсар олдига бошлаб бораман», дедилар».

4) Таҳорат неча турға бўлинади?

Таҳорат фарз, вожиб ва мандубга бўлинади.

5) Таҳорат қачон фарз бўлади?

Таҳорат икки ҳолатда фарз бўлади:

1. Намоздан олдин. У одатий намозларга ўхшаш тўлиқ фарз ёки нафл намози бўладими ёки жаноза намози ва тиловат саждасига ўхшаш ноқис намоз бўладими, бунинг фарқи йўқ.

2. Куръонни ушлаш пайтида. Чунки Аллоҳ таоло:



«Уни (Куръонни) таҳоратли кишилардан ўзгалар ушламаслар» деган (*Воқеа сураси, 79-оят*).

6) Бир киши таҳорат олганидан сўиг бироз ўтиб таҳорати бузилса, унга намоз ўқиши учун қайта таҳорат қилиш вожиб бўладими? Бунинг далили нима?

Ҳа, унга таҳорат қилиш вожиб бўлади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «*Аллоҳ таоло таҳорат олмагунингизча бирортангизнинг намозини қабул қилмайди*», деганлар (муттрафақун алайҳ).

7) Агар Қуръон ёддан қироат қилинса, тиловат қилувчи одамга таҳорат вожибми?

Унга таҳорат вожиб бўлмайди. Чунки у Қуръонни ушламай ўқияпти. Яна рақамли ускуналарда, яъни телефон ёки компьютерларда эҳтиётлаб Қуръон нусхасини кўтариб юриш ҳам ҳаром эмас.

8) Балоғатга етмаган кичик ёшдаги болаларнинг Қуръонни ушлаш учун таҳорат қилишлари шартми?

Уларга таҳорат шарт эмас. Бунда қийинчилик ва машиққатни кетказиш учун ва улар балоғатга етмаганларни учун уларга Мусҳаф бериш ёки ўқиб-ўрганишлари учун Қуръоннинг баъзи қисмларини бериш мустаҳабдир.

9) Таҳорат қачон вожиб бўлади?

Таҳорат Каъбани тавоғ қилиш учун вожиб бўлади. Агар таҳоратсиз тавоғ қилса, вожибни тарк қилган бўлади.

10) Таҳорат қачон мандуб (суннат) бўлади?

Куйидаги ишларнинг барчасида таҳорат мандуб (суннат) бўлади:

1. Шаръий китобларни ушлаш учун таҳорат қилинади.
2. Таҳорати бўлса ҳам, ҳар бир намоз учун алоҳида таҳорат қилинади.
3. Фазабланганда ҳовурдан тушиш учун таҳорат олиниади.
4. Пок ҳолда ухлаш учун таҳорат қилиш суннатdir.

5. Ёлғон, ғийбат ва шунга ўхшаш баъзи гуноҳларни содир қилиб қўйгандан кейин таҳорат қилиш лозим.

6. Таҳорат устига таҳорат қилиш ҳам суннатdir.

7. Майитни ювгандан ёки кўтаргандан сўнг ўзини босиб олиш, қалбдаги ғам ва хафаликни кетказиш учун таҳорат қилиш ҳам суннат.

8. Сафо ва Марва орасидаги саъй каби ҳажнинг баъзи амаллари учун таҳорат қилинади.

11) Бир киши таҳорат қилмоқчи бўлса, буни қай тартибда амалга оширади?

1. Таҳоратни «басмала» – «Бисмиллахир роҳманир роҳийм» билан бошлайди. Кейин икки қўлинин билаклари билан қўшиб уч марта ювади. Бармоқларининг орасини ишқалаб тахлил қиласи.

2. Ўнг кафтига сув тўлдириб, оғзига олиб боради ҳамда оғзининг ичигача чайқайди. Буни уч марта такрорлади.

3. Ўнг кафтига сув олиб, бурнига олиб боради ва бурнинг ичигача тортади. Кейин чап қўли билан қоқади. Буни уч маротаба, ҳар бирида янги сув олиб такрорлади.

4. Сўнгра икки кафтига сув тўлдириб, улар билан юзини тўлиқ ювади. Ювганда аввал пешонадан бошлайди. Юзни шу тарпича уч марта ювади.

5. Сўнгра ўнг қўлинин кафтининг аввалидан бошлаб қўлининг тирсаги билан қўшиб барча қисмини ювади. Терисига сув етиши учун чап қўли билан ишқалайди. Чап қўлинин ҳам худди шу тарзда ювади.

6. Сўнгра икки қўлинин янгидан ҳўллаб, аввал кўрсаткич ва бош бармоқларидан ташқари бармоқлари билан бошнинг олдидан бошлаб орқа бўйингача масҳ тортади, сўнгра қайтишда икки кафти билан бошнинг икки ёнига масҳ тортади.

7. Бошга масҳ тортгандан кейин ишлатилмай турилган кўрсаткич ва бош бармоқ билан икки қулоғига масҳ тортади. Қулоқнинг ичига кўрсаткич бармоқ билан ва ташига эса бош бармоқ билан масҳ тортади.

8. Сўнгра икки қўлдан қолган ҳўл бармоқларнинг орқаси билан бўйнига масҳ тортади.

9. Охирида икки оёғини ювади. Аввал ўнг оёқни ювади. Ювишни бармоқларининг учидан бошлайди. Кейин қўл бармоқлари билан оёқ бармоқларининг орасини хилол қиласди. Охирида икки тўпифидан сувни айлантириб оёқнинг орқасини ювиб тутатади. Барча аъзолар каби оёғини ҳам уч марта ювади. Чап оёқ ҳам шу каби ювилади.

12) «Хилол» дегани нима?

«Хилол» – қўл ва оёқни ювиш пайтида иккисининг бармоқлари орасига сув етказишdir. Икки қўлнинг бармоқлари бир-бирининг орасига киритиб хилол қилинади. Икки оёқнинг бармоқларини ювишда чап қўлнинг жимжилоғи билан хилол қилинади. Соқонни хилол қилишда эса ўнг қўлнинг ҳўлланган бармоқлари соқон орасига киритилади.

13) Агар қиши таҳоратдан фориғ бўлса, унга қандай амаллар суннат бўлади?

Унга кафтига сув тўлдириб, ўтирган ёки турган ҳолда ичиши ва қиблага юзланиб турган ёки ўтирган ҳолда куйидаги дуони айтиши суннатdir.

«أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّداً رَسُولُ اللَّهِ، اللَّهُمَّ اجْعَلْنِي
مِنَ التَّوَابِينَ وَاجْعَلْنِي مِنَ الْمُتَطَهِّرِينَ». .

«Ашҳаду алла илааҳа иллаллоҳу ва анна Мұхаммадар расулуппоҳи, аллоҳуммажъалний мина таввабийна важъалний минал мутатоҳҳирийн» (Маъноси: «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқлигига ва Мұхаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) Аллоҳнинг Расули эканлариға гувоҳлик бераман. Аллоҳим, мени кўп тавба этувчилардан қилгин ва доимо покланувчилардан айлагин»).

14) Фарзниңг таърифи нима?

Фарз қатъий далил билан, жазм ила собит бўлган ҳамда амал фақат у билангина тўлиқ бўладиган амалдир.

15) Ҳанафийлар наздида таҳоратнинг фарзлари нечта?

Буларни Аллоҳ таоло таҳорат оятида зикр қилган:

1. Юзнинг узунасига пешонанинг устидан иякнинг остигача ва энига икки қулоқнинг юмшоғигача бўлган жойини бир маротаба ювиш.
2. Икки қўлни тирсаклари билан бирга бир марта ювиш.
3. Бошнинг тўртдан бирига масҳ тортиш.
4. Икки оёқни тўпиқлари билан биргаликда бир марта ювиш.

16) Ювиш деб нимага айтилади?

«Ювиш» деб, сув ва сувга ўхшаш суюқ ва покловчи суюқликларни бирор нарсанинг устидан қуишига айтилади.

17) Қор билан таҳорат қилса бўладими?

Агар қорни таҳорат қилинадиган аъзога ишқалаганди бир неча томчи оқса, таҳорат жоиз бўлади.

18) Қишининг совуқ кунларида қандай таҳорат қилинади?

Аввал сув билан баданини ёғлагандек ҳўллаб олади. Сўнгра устидан сув қуяди. Чунки қишида тери совуқдан куриб қолади.

19) Икки қўли кесилган киши қандай таяммум қиласиди?

Икки қўли билаги (чиғаноғи)гача кесилган одам икки қўлининг тирсагигача пок тупроққа суртади. Тирсагигача кесилган одам, кесилган жойининг ўзини суртади. Агар тирсагидан юкори қисми ҳам кесилган бўлса, икки қўлни пок тупроққа суртиш соқит бўлади.

20) Масҳнинг таърифи нима?

Масҳ хўлланган қўлни бир аъзонинг устидан юргизишdir.

21) Таҳоратнинг дуруст бўлиш шартлари қайсилар?

1. Ювиладиган аъзонинг барчасига сув етказиш. Бунга сийрак қош ва сийрак мўйловларнинг териси ва сийрак соқолнинг ости ҳам киради. Орасидан тери кўринмайдиган қалин соқол бундан мустасно.

2. Терида унга сув етишидан тўсадиган хамир, лак, бўёқ ёки сув ўтказмайдиган қуюқ ёққа ўхшаш нарсаларнинг бўлмаслиги. Аммо суюқ ёғ ва суюқ хушбўйликлар таҳоратнинг дуруст бўлишини ман қилмайди. Чунки улардан тери остига сув ўтади.

3. Таҳорат қилиш асносида бурун қонаши, ел чиқишига ўхшаш таҳоратни синдирадиган ишлар содир бўлмаслиги.

22) Таҳорат аъзоларига сув етказиш қачон мукаммал бўлади?

Таҳорат аъзоларига тўлиқ сув етказиш, сувни оқизиш ва ювилган аъзолардан бир неча томчи сув томиши билан мукаммал бўлади. «Фатавои ҳужжат» китобида: «Таҳоратда ювиш фарз бўлган аъзога ҳар ювганда тўлиқ сув етказиш лозим», дейилган.

23) Таҳоратнинг суннатлари нечта?

1. Таҳоратни ният қилиш. Уни талаффуз қилиш шарт эмас, қалб билан қасд қилса ҳам кифоя.
2. Тасмия айтиш, яъни таҳорат вақтида «Бисмиллаҳ»ни айтиш.
3. Таҳоратнинг аввалида икки қўлни бўғимлари билан қўшиб ювиш.
4. Икки қўлнинг бармоқларини бир-бирига киргизб ҳилол қилиш. Шунингдек, оёқ бармоқларини ҳам ҳилол қилиш.
5. Оғиз чайиш вақтида мисвок ишлатиш.
6. Оғизни уч марта чайиш.
7. Бурунга сув олиб чайиб-қоқиши.
8. Қалин соқол остидан ҳўл қўл билан ҳилол қилиш.
9. Ювиладиган аъзоларни уч мартадан ювиш. Ювиш уч марта бўлиши учун бир аъзони ҳар гал ювганда барча қисмига сув тўлиқ этиши лозим.
10. Бошнинг барча қисмига бир маротаба тўлиқ масҳ тортиш.
11. Бошга масҳ тортган қўлнинг ҳўллиги билан икки қулоқнинг ичи ва ташқарисига масҳ тортиш.
12. Икки қўл ва икки оёқни ювишда ўнгидан бошлаш.
13. Бўйинга масҳ тортиш.
14. Тартиб билан қилиш. Яъни, таҳорат амалларини ўрнини алиштирамай, кетма-кетлик тартибига риоя қилиш.
15. Кетма-кет қилиш. Яъни, таҳорат амалларининг орасини озгина вакт билан бўлса ҳам ажратмаслик. Чунки аъзоларнинг бири ювилаётган пайтда ундан олдин ювилган аъзо қуриб қолса, кетма-кетлик йўқолади.
16. Ишқалаш. Яъни, ювиш асносида ювиладиган аъзоларнинг устидан қўлни юргизиши.

24) Ниятнинг маъноси нима?

Ният бир амални бажаришни қалбидан қасд қилишdir.

25) Таҳоратнинг нияти қандай бўлади?

Таҳоратнинг нияти «Аллоҳ таолога яқинлик истаб, намозга таҳорат қилишни ният қилдим» дейишdir. Ёки «Кирликни кетказиши ният қилдим, покликни ният қилдим ёки намозга имкониятни ният қилдим» деса ҳам бўлаверади.

26) Таҳоратнинг нияти қачон қилинади?

Таҳоратнинг нияти юзни юваётганда қилинади. Ният қалбда қилинади ва тилда ҳам айтиб қўйиш мустаҳабдир.

27) Тасмиянинг маъноси нима?

Тасмия таҳорат вақтида «Бисмиллахир роҳманир роҳийм» деб Аллоҳни зикр қилишdir. Тасмия ҳар бир эътиборли ишда умумий суннатdir, хусусан тоат-ибодатда (тасмия айтилиши) маълумdir.

28) Русгнинг маъноси нима?

Рус – кафтнинг бўғимиdir.

29) Нима учун таҳорат қилувчи аввал икки қўлини ювиш билан бошлайди?

Чунки бу иккиси ювиш ва поклаш асбоби бўлгани учун.

30) Икки қўлнинг бармоқлари қандай тахлил қилинади?

Икки қўлнинг бармоқларини бир-бирига киритиб тахлил қилинади. Шунингдек, икки оёқнинг бармоқларини тахлил қилиш чан қўлнинг жимжилоқ бармоғини оёқ бармоқлари орасига киритиш билан бўлади.

31) Оёқлари семиз, бармоқларининг орасига сув етмайдиган кишининг оёқ бармоқлари орасини хилол қилишининг ҳукми нима?

Бундай кишига оёқ бармоқларини хилол қилиш фарз бўлади.

32) Оғизни чайиш вақтида мисвок қилишдан мақсад нима?

Бундан мақсад тишиларни сүлак қолдиқлари ва бошқа нарсалардан тозалашдир. Оғизни чайиш мисвок ёки оддий тиш чұтқасига паста суртиб ёки пастасиз ювиш билан бўлади.

33) Оғиз қандай чайилади?

Үнг қўл билан сув олиб, оғизга солинади ва оғиз ичигача етиши учун яхшилаб чайқайди. Сўнгра сувни ташқарига чиқариб ташлайди.

34) Бурун қандай чайилади?

Таҳорат қилувчи ўнг қўли билан сувни олиб, нафас билан бурнининг ичига тортади ва сувни чиқариш учун чап қўл билан бурнини қоқади.

35) Қалин соқолни хилол қилиш қандай бўлади?

У юзни уч марта ювгандан сўнг ҳўл қўл билан бармоқлар орасини очган ҳолда соқолнинг пастидан тепасига қараб тарашдир.

36) Таҳорат пайтида қулоқ юмшоги билан зулф орасидаги тук чиқмайдиган бўш жой ювиладми?

Уни ювиш вожиб бўлади. Имом Таҳовий бу хусусда: «Шу гап тўғри эканига кўп машойихларимиз ижмөъ қилишган», деган.

37) Таҳоратда мўйлаб, қош ва жағдаги соқол туклари ювиладими?

Ювилади. Аммо, бу тукларнинг остига сув етказиш вожиб эмас. Лекин, туклар сийрак бўлиб, ости кўриниб турса, унинг остига сув етказиш вожиб бўлади.

38) Таҳоратда ияқдан осилиб тушган узун соқолни ювишнинг ҳукми қандай?

Узун соқолни ювиш вожиб эмас. Узун соқолга масҳ тортиш кифоя.

39) Таҳорат қилувчининг тирноқлари узун бўлса, нима қиласди?

Агар тирноқ бармоқларнинг учини тўсадиган дараҷада узун бўлса, таҳорат пайтида тирноқларнинг остига сув етказиш вожибdir.

40) Таҳоратда узукнинг хукмлари нималардан иборат?

Узук кенг бўлса, таҳорат пайтида узукни қимирлатиб қўйиш суннатdir. Агар тагига сув етиб бормайдиган даражада тор бўлса, таҳорат пайтида қимирлатиб, сув етказиб қўйиш фарздир.

41) Бир кишининг қўли тирсагининг ёки оёғи тўшиғииинг юқорисидан кесилган бўлса, нима қиласди?

Бу аъзоларни ювиш ўз-ўзидан соқит бўлади. Лекин тирсак ва тўпиқдан озгинаси қолган бўлса, ўша ерни ювиш вожиб бўлади. Хўжандийдан: «Оёғини кесиб ташласа ҳам билмайдиган даражада оёғи касал (шол) бўлган киши таҳоратда оёғини ювадими?» деб сўрашганида у киши: «Ҳа, ювиши шарт» деб жавоб берган.

42) Таҳоратда ювилиши керак бўлган аъзолардан игнанинг учидек жойи ювилмай қолиб кетса нима бўлади?

Таҳорат дуруст бўлмайди.

43) Агар тирноқ остига қуруқ ёки ҳўл лой ёпишган бўлса ва таҳоратда ювилмай қолиб кетса нима бўлади?

Таҳорат дуруст бўлмайди.

44) Агар таҳоратда жағининг соқолига сув етказган бўлса ва кейин соқолини олиб ташласа, нима бўлади?

Жағини бошқатдан ювиши шарт эмас. Ҳудди шунингдек, таҳорат қилганида мўйлабини ювганидан кейин уни

олиб ташласа, бошига масҳ тортганидан кейин сочини олдирса ёки таҳоратда қўлини ювганидан кейин тирногини олиб ташласа, ҳеч бирини қайтадан ювмайди.

45) Таҳоратда ювилиши фарз бўлган аъзоларда ортиқлик бўлса, нима қилади?

Олтингчи бармоқ каби таҳоратда ювиш фарз бўлган аъзоларга қўшилган (ортиқча) аъзоларни ҳам ювиш фарз.

46) Таҳоратда ювилиши фарз бўлган аъзоларда яра бўлса, нима қилади?

Шамсул аимма Ҳалвоний шундай деган: «Бир кишининг аъзоларида ювиш зарар берадиган яраси бўлса, таҳоратда ўша жойни ювиш фарз бўлмайди». Сув теккизишнинг иложи бўлса, теккизади. Бунинг иложи бўлмаса, ҳўл кўл билан масҳ тортади. Агарда масҳ тортишнинг ҳам иложи бўлмаса, ўша жойни қолдириб, атрофини ювади.

Терининг остида йиринглаган яра бўлиб, яранинг бир кичик тешиги бўлса-ю, ўша жойдан йиринг чиқиб турса, бу ҳолатда терининг устини ювиб қўйса, таҳорати дуруст бўлаверади. Чунки терининг ости кўринмагани учун у ерни ювиш фарз бўлмайди.

47) Ювиладиган аъзоларни уч марта ювиш нима дегани?

Ювиладиган аъзолар юз, икки қўл ва икки оёқ бўлиб, уларни уч мартадан ювиш лозимдир.

48) Бошнинг тўртдан бирига масҳ тортишнинг ҳукми нима?

Бу таҳоратнинг фарзларидан биридир.

49) Агар бир киши таҳоратда бошининг факат фарз бўлган қисмигагина (тўртдан бирига) масҳ тортиб юраверса, нима бўлади?

Масҳ тортишнинг суннатини бажармагани (бошнинг ҳаммасига масҳ тортмагани) учун гуноҳкор бўлади.

50) Агар бир киши бошининг олд қисмидаги сочи тўкилган бўлса, таҳорат иайтида соч тўкилган жоийии ювиши шартми?

Шарт эмас. Бу масала «Хулоса» китобида шундай дейилган. «Зоҳидий» китобида эса: «Сочи тўкилган кишининг таҳорати ҳусусида энг тўғри масала «Хулоса» китобида келтирилган», дейилган.

51) Таҳорат қилувчи бошига неча марта масҳ тортади?

Бошга масҳ тортиш бир марта бўлади. Унинг такро-ри суннатга хилоф бўлади.

52) Дўппи, салла ва рўмол устидан масҳ тортса бўладими?

Бўлмайди.

53) Ҳанафийларнинг наздида бўйинга масҳ тортишнинг хўкми нима?

Баъзи уламолар суннат, баъзилари мандуб дейишган.

54) Таҳоратнинг мандублари нима дегани?

Бу Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг баъзида қилиб, лекин давомий равища қилмаган ишларидир. Ким уни қиласа ажр олади ва ким тарқ қиласа, маломат ҳам, иқоб (азоб) ҳам қилинмайди.

55) Таҳоратнинг мандублари (мустаҳаблари) нималар?

1. Сув сачраганда томчилари тегмайдиган баланд жойда ўтириш.

2. Қиблага юзланиш.

3. Таҳорат асносида дунёвий сўзларни сўзламаслик ва қалбни соғф сақлаш.

4. Ният қилиш. Яъни, қалбнинг нияти ва тилнинг талафузини жамлаш.

5. Кенг узукни қимирлатиш. Тор узукни қимирлатиш эса вожиб бўлади.

6. Оғиз ва бурунга ўнг қўл билан сув олиш ва бурунни чап қўл билан қоқиши.

7. Ҳар бир аъзони ювганда тасмия («бисмиллаҳ») айтиши.

8. Қиблага юзланган ҳолда таҳоратдан ортган сувдан турган ёки ўтирган ҳолда ичиб, сўнгра дуо қилиши.

9. Агар совуқ ва шунга ўхшаш нарса зарар бермаса ёки безовта қилмаса, таҳорат қилинган аъзоларни артмасдан қуритиш. Артиш ҳам жоиз.

56) Таҳорат қилувчи оғзини чайиш асносида нима дейди?

«اللَّهُمَّ أَعِنِّي عَلَى ذِكْرِكَ، وَشُكْرِكَ، وَحُسْنِ عِبَادَتِكَ». «Аллоҳумма аъинни нафаси оғзини қилишга, Сенга шукр қилишга ва Сенга чиройли ибодат қилишга ёрдам бер».

«Аллоҳумма аъинний аъла зикрика ва шукрика ва ҳусни иъбаъдатик» (Маъноси: «Аллоҳим Сени зикр қилишга, Сенга шукр қилишга ва Сенга чиройли ибодат қилишга ёрдам бер») дейди.

57) Таҳорат қилувчи бурнига сув олаётганда нима дейди?

«اللَّهُمَّ أَرْحِنِي [شَنِّي] رَأْيَةَ الْجَنَّةِ، وَلَا تُرْحِنِي رَأْيَةَ النَّارِ». «Аллоҳумма ариҳний (шамминий) роиҳатал жаннати ва лаа туриҳний роиҳатан-нари» (Маъноси: «Аллоҳим, менга жаннат ҳидини ҳидлатгин, дўзах ҳидини ҳидлатмагин»), дейди.

58) Таҳорат қилувчи юзини ювган пайтда нима дейди?

«اللَّهُمَّ بَيْضُ وَجْهِي يَوْمَ تَبَيَّضُ وُجُوهُ، وَتَسُودُ وُجُوهٌ».

«Аллоҳумма байиз важхий йавма табиаззу вужухун ва тасвадду вужух» (Маъноси: «Аллоҳим, юзлар оқартириладиган ва қорайтириладиган кунда юзимни оқартиргин») дейди.

Изоҳ: юзнинг оқлиги юзнинг нурли бўлиб, оппоқ бўлишидир. Қиёмат куни жсаннатийларнинг юзи оқ ва нурли бўлади.

59) Таҳорат қилувчи ўнг қўлинин ювиш пайтида нима дейди?

«اللَّهُمَّ أَعْطِنِي كِتَابِي بِيمِينِي، وَحَاسِبِنِي حِسَابًا يَسِيرًا».

«Аллоҳумма аътиний китабий бийамийний ва ҳасибний ҳисабай йасийро» (Маъноси: «Аллоҳим, китобимни ўнг қўлимдан бергин ва мени осон ҳисоб қилгин») дейди.

60) Таҳорат қилувчи чап қўлинин ювиш пайтида нима дейди?

«اللَّهُمَّ لَا تُعْطِنِي كِتَابِي بِشَمَائِي، وَلَا مِنْ وَرَاءِ ظَهْرِي».

«Аллоҳумма лаа тутиний китабий бишimalий ва лаа варои зохрий» (Маъноси: «Аллоҳим, китобимни чап томонимдан ва орқа томонимдан бермагин») дейди.

61) Таҳорат қилувчи бошига масҳ тортаётган пайтида нима дейди?

«اللَّهُمَّ أَظِلَّنِي تَحْتَ عَرْشِكَ يَوْمَ لَا ظِلَّ إِلَّا ظِلُّكَ».

«Аллоҳумма азиллани таҳта ўаршика явма лаа зилла илла зиллука» (Маъноси: «Аллоҳим, соянгдан бошқа соя бўлмаган кунда мени Аршинг остида соялантиргин») дейди.

62) Таҳорат қилувчи икки қулоғига масҳ тортаётган пайтда нима дейди?

«اللَّهُمَّ اجْعَلْنِي مِنَ الَّذِينَ يَسْتَمِعُونَ الْقَوْلَ، فَيَبْيَغُونَ أَحْسَنَهُ»

«Аллоҳуммажъалний миналлазийна ястамиъунал қовла фа яттабиъуна аҳсанаху» (Маъноси: «Аллоҳим, Ўзинг мени сўзларни эшитадиган ва унинг яхшисига эргашадиганлардан қилгин») дейди.

63) Таҳорат қилувчи бўйнига масҳ тортаётган пайтда нима дейди?

«اللَّهُمَّ اعْتِقْ رَبَّيِّي مِنَ النَّارِ».

«Аллоҳуммаътиқ роқабатий минан-нар» (Маъноси: «Аллоҳим, бўйнимни жаҳаннамдан озод қилгин») дейди.

64) Таҳорат қилувчи ўнг оёгини ювиш пайтида нима дейди?

«اللَّهُمَّ ثَبِّتْ قَدَمِي عَلَى الصِّرَاطِ الْمُسْتَقِيمِ».

«Аллоҳумма саббит қодамий аълас-сиротил мустақийм» (Маъноси: «Аллоҳим, қадамларимни тўғри йўлда собит қилгин») дейди.

65) Таҳорат қилувчи чап оёгини ювиш пайтида нима дейди?

«اللَّهُمَّ اجْعِلْ ذَنْبِي مَغْفُورًا، وَسَعْيِي مَشْكُورًا، وَتَجَارَتِي لَنْ تَبُورْ».»

«Аллоҳуммажаъл занбий мағфурон ва саъий машкурон ва тиҷаротий лан табур» (Маъноси: «Аллоҳим, гуноҳларимни мағфират қил, ҳаракатларимни мукофотла ва тиҷоратимни касод бўлмайдиган қил») дейди.

66) Таҳоратнинг макруҳлари қайсилар?

1. Сувни исроф қилиш. Бу кўп сув тушиши учун жўмракни катта очиш билан ҳам бўлади.
2. Сувни ювиш масҳ тортишдек бўлиб қоладиган даражада ўта кам ишлатиш.
3. Рўзадорнинг оғиз ва бурун чайганда муболага (ҳаддан ошириш) қилиши.
4. Сувни юзга уриш. Чунки юз инсоннинг мукаррам аъзосидир.
5. Узрсиз, қасддан таҳорат суннатларидан бирини тарк қилиш.

67) Таҳоратни синдирувчи амаллар нечта?

1. Икки йўлнинг биридан хоҳ кўп бўлсин, хоҳ кам бўлсин, пешоб, ахлат, қурт ва кичик тошча каби бирор нарсанинг чиқиши.
2. Бирор нарсага суюнган ҳолда ухлаш.
3. Ҳушдан кетиш, наркоз олиш, мастлик ва жиннлик каби ақлни тўсадиган ва фаҳм-фаросатни кетказадиган ҳолатларнинг пайдо бўлиши.
4. Бадандан қон, йиринг, яранинг суви чиқиб, ўз ўрнидан бошқа жойига оқиши.
5. Оғизни тўлдирадиган микдорда кусиши.
6. Оғизда тупукни қизартирадиган даражада қоннинг пайдо бўлиши.

7. «Мубошаратул фоҳиша», яъни эркак ва аёл жинсий аъзоларининг жинсий алоқа қилмаган ҳолда бирбирига тегиши.

8. Рукуъ ва саждали намозда балоғатга етган кишининг қаҳ-қаҳа отиб кулиши.

68) Атрофидагиларнинг овоз ва шовқинини эшитадиган даражада енгил мудраган кишининг таҳорати синадими?

Унинг таҳорати синмайди, чунки у ўзидан чиқадиган нарсани сезади.

69) Таҳоратда кўзни ювиш лозимми?

Таҳорат пайтида кўзнинг ичига сув етказиш вожиб ҳам, суннат ҳам эмас. Таҳоратда юзини юваётган киши кўзларининг ён атрофига мукаммал сув етиши учун қаттиқ юммайди ва кўзига зарар қилмаслиги учун катта ҳам очмайди.

Агар бир кишининг кўзи оғриса ва йиринглаб кетса, кўзини юмганида йиринг ташқарида қоладиган бўлса, йирингнинг остига сув етказиш вожиб бўлади. Агар кўзини юмганида йиринг ичкарида қолса, йирингнинг остига сув етказиш вожиб эмас.

70) Орқаси ерга мустаҳкам ўрнашиб ухлаган кишининг таҳорати синадими?

Агар у ерда мустаҳкам ўрнашиб ўтирган бўлса, таҳорати синмайди. Аммо замонамиз уламолари янги таҳорат олишни тавсия этадилар.

71) Агар бирор киши орқа маҳражи (йўғон ичағи) ни муолажа қилиш учун қўлини ёки бирор нарсани тиқса, таҳорати бузиладими?

Бузилади. Чунки бу ҳолатда қўлига ёки тиқилган нарсага најосат ёпишади. Бу хусусида шайх Шамсул

аимма: «Орқадан бирор нарсанинг чиқиши таҳоратни бузади», деган.

72) Атрофида айланиб юрганларнинг гапини эшитмайдиган даражада, чалқанча (осмонга қараб) ёки суюнган ҳолда ухлаган кишининг таҳорати синадими?

Унинг таҳорати синади. Чунки кўпинча бу ҳолатда ухлаган киши таҳорат синишидан ёки ел чиқишидан омонда бўлмайди.

73) Нажосат чиқадиган олд ва орқа аъзоларнинг чиқиши ўрнида кўришиб қолгаи озгина нажосат таҳоратни синдирадими?

Синдиради. Чунки нажосат оз бўлса-да, ичкаридан ташқарига чиқди.

74) Аёл ва эркакнинг олд фаржидан чиқадиган ел таҳоратни синдирадими?

Таҳоратни синдирамайди. Лекин аёлнинг фаржи ва орқа йўли қўшилиб кетган бўлса, таҳорат қилиши мустаҳаб бўлади. Чунки ел аёлнинг орқасидан келган бўлиши эҳтимоли бор.

75) Оз-оздан қайт қилганда таҳорат синадими?

Агар ўша оз-оздан келган қусуқ бир кўнгил айниши сабабли келиб, жамланганда оғиз тўладиган ҳолатда бўлса, таҳоратни синдиради.

76) Қон буруннинг ички юмшоқ қисмига ёки қулоқнинг эшитиш йўлига оқиб тушса, таҳорат синадими?

Синади. Чунки бу билан қоннинг ичкаридан ташқарига чиқиши амалга ошди.

77) Хатна қилинмаган эркакнинг закаридан сийдик ёки мазий чиқиб, кесилмаган қисмида туриб қолса, таҳорат синадими?

Синади.

78) Бир кишининг қулоғидан йиринг чиқса, нима бўлади?

Агар йиринг оғриқсиз чиқса, таҳорати бузилмайди. Агар оғриқ билан чиқса, бузилади. Бу хусусда Шайх Шамсул аимма: «Оғриқ билан чиққан нарса, шубҳасиз, жароҳатдан чиқади», деган.

79) Бурундан ва қулоқдан қон келса нима бўлади?

Агар бурундан ёки икки қулоқдан чиққан қон бурун ва қулоқнинг гуслда ювиш фарз бўлган қисмига оқиб келса, таҳоратни синдиради. Буруннинг қаттиқ суягидача бўлган қисми гуслда ювиш фарз бўлган қисмдир.

80) Агар жароҳат бўлсаю, ўша боғич боғланса ва ўша боғич жароҳатдан чиққан нарса (қон ёки йиринг) билан хўл бўлса, таҳорат синадими?

Агар боғичнинг усти хўл бўлса, таҳорат синади. Агар ташқарига чиқмаса, бузилмайди. Агар ўша боғич икки қаватли бўлса, биринчисига чиқиб, иккинчи қаватига чиқмаса, таҳорати синмайди.

81) Бурун ичидаги яра бўлсаю, ўша ярадан қон оқса, таҳорат синадими?

Қон бурун тешигидан чиқмаса ҳам таҳорат синади. Чунки бунда қон ўз жойидан оқкан бўлади.

82) Киши оғзидан чиққан суюқликнинг тупук ёки қон эканига иккиланса, таҳорат синадими?

Агар тупук қизғишироқ бўлса, таҳорати бузилади, сарғишироқ бўлса, бузилмайди. Агар тупук ва қон иккиси тент ҳолатда бўлса ҳам таҳорати бузилади.

83) Таҳоратли одам бир нарсани тишлагандаги ёки мисвок ишлатгандаги тишлаган нарсасида ёки мисвокда қон изини кўрса, нима бўлади?

Агар қоннинг оққани аниқ бўлмаса, таҳорати бузилмайди.

84) Аёлнинг бачадонидан фаржига қурт ёки гўшт чиқса, нима бўлади?

Таҳорат синмайди, чунки у нажосат ўрни эмас. Сийдик йўлидан келса, таҳорати синади, у нажосат ўрнидир.

85) Бир киши ғусл қилишдан олдин таҳорат олган бўлсаю, ғусл қилиш асносида сийдик йўлига сув кириб, ўша сув кейин қайтиб чиқса, таҳорати синадими?

Йўқ, унинг таҳорати синмайди. Сийдиклиги аниқ бўлса, синади.

86) Кон қусиши таҳоратни бузадими?

Бузади.

87) Бир киши аёлинни ялангоч ҳолатида ушлаганда олати қўзғалмаса, таҳорати синадими?

Таҳорати синмайди. Олати қўзғалиб, суюқлик келса синади.

88) Бир киши закари (олати)ни кафтининг ичи билан тўсиқсиз ушласа, нима бўлади.

Ҳеч нарса чиқмаса, таҳорати синмайди.

89) Намоз ичидаги сажда ҳолатида ухласа, таҳорат синмаслиги маълум. Лекин намоздан ташқарида сажда қилган ҳолатда ухлаб қолса, нима бўлади?

Агар саждаси суннатга мувофиқ ҳолатда бўлса, таҳорат синмайди. Агар суннатга мувофиқ бўлмаса, таҳорати синади.

90) Кулишнинг қайси тури намозни бузади?

– Овозсиз табассум. Бу таҳоратни ҳам, намозни ҳам бузмайди.

– Намоз ичидаги ўзи эшитадиган даражада кулиш намозни бузади.

— Ёнидаги киши эшитадиган даражада қаҳ-қаҳа отиш намозни ҳам, таҳоратни ҳам бузади.

91) Тобутни кўттарган кишига таҳорат шартми?

Шарт эмас.

92) Қандай амаллар таҳоратни синдиримайди?

1. Чиққан ўрнидан ташқарига оқмай, балки кўтарилиганича ўрнида қотиб қолган қоннинг пайдо бўлиши таҳоратни синдиримайди. Қуюқ ва суюқ йиринг ҳам бу масалада қонга ўхшашидир.

2. Инсоннинг бир жойидан қон оқмай гўштнинг узилиб тушиши ҳам таҳоратни синдиримайди. Булар худди сўгал ва шунга ўхшаш нарсанинг узилиб тушиши ёки кесилиши, ортиқлик ёки яра-чақа ёки терининг тушиши кабидир.

3. Аёл кишининг олдидан ел чиқиши таҳоратни синдиримайди. Чунки у пок жойдан чиқадиган тоза елдир.

4. Гарчи суянган бўлса ҳам, ел чиқмайдиган даражада ўрнашиб ўтирган ҳолатда ва уйқусида ўзи ёки боши тебраниб ухласа ҳам, таҳорати синмайди. Бунда намозда ўтиргандек ўтириш назарда тутилмоқда.

5. Ўзининг ёки бошқанинг жинсий аъзосини, гарчи кафтининг ички тарафи билан бўлса ҳам, ушлаш таҳоратни синдиримайди.

6. Ярадан ёки бурундан ёки кулоқдан қурт чиқиши таҳоратни синдиримайди.

93) Терининг устида сув зарар берадиган жароҳат ёки яра бўлса, таҳорат олувчи нима қилади?

Унинг устига сувни тўсиб турувчи нарса ёпиштиради ва устидан (агар сув ўтказмаса) ювади ёки (сув ўтказса) масҳ тортади. Ёпиштирилган нарсани алмаштираса, янгисининг устидан қайта ювиши ёки масҳ тортиши

лозим эмас. Ёпиштирган нарсани олиб ташлаганда эса остини ювиш шарт эмас. Агар тузалгандан кейин олиб ташласа, ювилади.

94) Агар аъзоларда ёриқ ёки яра бўлсаю, уларни ювиш зарап берса, таҳорат қилувчи нима қиласди?

Унинг устига масҳ тортади. Агар масҳ тортиш ҳам зарап берса, буни тарк қиласди ва атрофинигина ювади. Агар унга бу ҳам зарап берса, касал бўлган аъзони ювиш ундан соқит бўлади. Яъни, у касал аъзо тузалгучи уни ювмай туради.

95) Бир киши таҳорат қилиб, бироз вақт ўтгандан кейин шакка тушса, унинг таҳорати синадими ёки синмайдими? Унинг таҳоратининг ҳукми нима бўлади?

Агар таҳоратини синдирганини эслай олмаса, унинг таҳорати дуруст бўлади ва таҳоратли бўлиб қолаверади. Чунки ишончли нарса шак билан кетмайди.

96) Бир киши таҳоратини синдириб, бироз вақт ўтгандан кейин таҳорат қилган ёки қилмагани ҳақида шакка тушса, таҳоратининг ҳукми нима бўлади?

Унга таҳоратни қайта қилиш вожиб бўлади. Чунки таҳорат сингани аниқ ва таҳорат қилгани эса шакдир.



УЧИНЧИ ФАСЛ

ҒУСЛ ҲАҚИДА

1) Ғуллининг таърифи нима?

«Ғул» лугатда бир нарсанинг устидан сувни оқизишдир. Шариатда эса баданнинг ҳамма қисмига еткашиб сув қуиши ғуслдир.

2) Ғулни вожиб қилувчи нарсалар нечта?

1. Жунублик: бу эҳтилом (тушида булғаниш), жинсий алоқа, маний (сперма)нинг ўз ўрнидан шаҳват билан қўзғалиши сабабли пайдо бўлади.

Изоҳ: эркак манийсининг ўрни бел, аёлники эса кўкрак қафасидир. Маний ушбу жойлардан қўзғалиши пайтида тезлик ва шаҳватга эга бўлса, ғул вожиб бўлади.

2. Ҳайз.

3. Нифос, яъни бола туғишдан сўнг чиқадиган қон.

4. Ўлим.

3) Ғулни вожиб қилмайдиган нарсалар нечта?

1. Мазий ёки вадийнинг бадан ташқарисига чиқиши.

2. Намликсиз эҳтилом бўлиш. Яъни, бир киши тушида эҳтилом бўлгани (булғангани)ни эсласаю, лекин кийими ёки баданида намлик кўрмаса, ғул вожиб бўлмайди.

3. Клизма қилиш ва тампон (тиббий бинт) ёки свеча қўйиш.

4. Икки (орқа ва олд) йўлнинг бирига бармоқни ёки бир нарсани киритиш. Яъни, муолажа учун бармоқ ёки текширув ускунасини тикиш ғуслни вожиб қилмайди.

5. Наркоз, хушидан кетиш, жинни бўлиш, мастлик ва шунга ўхшаш ҳолатлардан сўнг ўзига келганда кийимида ёки баданида намлик сезмаса, ғусл вожиб бўлмайди.

4) Мазий ва вадийнинг умумий маъноси нима?

Мазий – жинсий алоқасиз шаҳват қўзғалганда отилмасдан оқиб чиқадиган оқ суюқликдир.

Вадий – хира оқ ва қуюқ бўлиб, балғамга ўхшаган ва сийдикнинг ортидан чиқадиган суюқликдир. Иккаласи ҳам нажосат бўлиб, таҳоратни синдиради, аммо ғуслни вожиб қилмайди.

5) Ғулнинг фарзлари нечта?

1. Оғизга сув олиб, чайиб ташлаш.

2. Бурун ичининг барча жойига сув етказиб чайиш.

3. Покиза сув билан баданинг ҳамма жойини бир марта ювиш.

6) Агар маний (сперма) касаллик ёки ҳолсизлик ёки йиқилиш ёки оғир юқ кўтариш ёки баланд жойдан сакраш сабабли ўз ўрнидан шаҳвасиз чиқса, ғусл вожиб бўладими?

Ғул вожиб бўлмайди. Чунки бу ҳолатда жунублик маъноси йўқ. Жанобат эса манийнинг шаҳват билан қўзғалишидир.

7) Агар бир киши уйқудан уйғониб, кийимида ҳўлликни кўрсаю, аммо жимоъ (жинсий алоқа) қилгани ёки эҳтилом бўлганини (тушида булғанганини) эслай олмаса, унга ғусл вожиб бўладими ?

Ҳа, унга ғусл вожиб бўлади. Аммо эҳтилом (тушида булғанган) бўлиб, кийими ёки баданида маний ёки ҳўлликни топмаса, унга ғусл вожиб бўлмайди.

8) Ғусл вожиб бўлган киши бавл қилмай ёки бир неча қадам ташлаб юрмай, шошилиб ғусл қилсаю, ғуслдан сўнг манийнинг қолдиги чиқса, унга ғуслни қайтадан қилиш вожиб бўладими?

Ҳа, унга қайтадан ғусл қилиш вожиб бўлади. Агар манийнинг қолгани чиқишидан олдин намоз ўқиган бўлса, намози дуруст бўлади. Аммо у ғуслдан олдин ухласа ёки бавл қилса ёки уйида айланиб юрса, сўнг ғуслдан кейин манийнинг қолгани чиқса, унга ғуслни қайтадан қилиш вожиб бўлмайди.

9) Ғуслнинг суннатлари нечта?

1. Ният. Бу қасд қилиш ва амалга юзланиш билан бўлади. Агар бетаҳорат ёки жунуб киши унугтан ҳолда сузишни ният қилиб, ҳовузга ёки дарёга шўнғиб чиқса ҳам пок бўлади. Чунки ғусл ёки таҳоратнинг сахих бўлишида ният шарт эмас.

2. Ғуслни бошлашдан олдин тасмия («бисмиллах») айтиш.

3. Икки қўлини бўғимларигача ювиш.

4. Агар баданида маний ёки бавлга ўхшаган нажосатнинг асари бўлса, уни кетказиш.

5. Икки жинсий аъзо ва уларнинг атрофини ювиш.

6. Намозга таҳорат қилгани каби тўлиқ таҳорат қилиш.

7. Танаси устидан уч марта сув қўйиш. Ҳар бирида танасининг барча жойига етадиган қилиб қўйиш, бунда аввал бошидан, кейин ўнг, сўнг чап елкасидан сув қуяди.

10) Ғуслдаги баъзи умумий ҳукмларнинг сони қанча?

1. Гуслда ҳам таҳоратдагидек аёлларнинг тирноқ бўёқлари (маникюр) ёки (оёқ ё баданга суркаладиган ва сув ўтказмайдиган) ёғ каби баданга сув етишини тўсадиган нарсалар бўлмаслиги шартдир. Ушбу ҳолатларда гусл дуруст бўлмайди. Соч бўёғи соч устида қобиқ пайдо қилмаса ва сочга сув етишидан тўсмаса, зарар қилмайди. Лекин соч бўёғи соч устида қобиқ пайдо қилиб, сочга сув етишидан тўсса, гусл дуруст бўлмайди.

2. Агар сув сочнинг аслига ва бошнинг соч ўсадиган жойигача оқса, сочи ўрилган аёл соч ўрамини ечиши фарз бўлмайди. Бу Имом Муслимнинг «Саҳих»ларида Умму Салама розияллоҳу анходан ривоят қилинган ҳадисга мувофиқдир.

3. Эр ва хотиннинг бир идишдан сув олиб гусл қилиши жоиз.

4. Гусл қилувчи баданидаги маний ва бавлга (пешобга) ўхшаш нажосатларни кетказган бўлса, унинг танасидан сув идишига тушган сув томчилари зарар қилмайди.

5. Жунуб кишининг, шунингдек ҳайз ва нифос кўрган аёлнинг бадани покдир, нажас эмас.

6. Ҳайзи тугагандан сўнг ғусл қилаётган аёлга баданидаги қон теккан жойларини хушбўй нарса билан поклаши ёки у жойларини хушбўйламоги суннатдир.

7. Агар бир киши жунуб бўлса ёки гуслга ҳожати бўлса, бундан уялмаслиги лозим.

11) Жунуб киши таом емоқчи ёки ичимлик ичмоқчи бўлса, нима қиласи?

Таом ейиш ёки ичимлик ичишдан олдин оғзини яхшилаб чайиб, сўнгра истеъмол қиласи.

12) Истимнонинг маъноси нима?

«Истимно» инсоннинг ўз жинсий аъзосини ушлаб ёки ўйнаб маний чиқаришидир. Бу ҳаёсизлик, бузуқлик ва

уларга чорловчи нарсаларнинг кўплиги сабабли кенг тарқалмоқда. Бу нарса ҳаддан ташқари ёмон, гайритабиий ва қабиҳ ишдир. Уни қилган киши гуноҳкор бўлади.

13) Истимнонинг ҳукми нима?

Фуқаҳолар уни аниқ ҳаром санаганлар.

14) Ғусл қачон фарз ва қачон мандуб бўлади?

Ғуслни вожиб қилувчи сабаблар пайдо бўлганда ғусл вожиб бўлади. Ғусл жума намози, икки ийд (ҳайит), ҳаж ёки умрага эҳром боғлаш, Арафотда туриш, Маккага кириш, Муздалифада тунаш, зиёрат тавофи ва видолашув тавофи учун суннат бўлади.

Кўркам бўлиш, пок бўлиш ва тетиклашиш учун камида ҳафтада бир бор ғусл қилиш мандубдир.

15) Ҳаммом ерига тегишли иоклик ва нажосатлик ҳукмлари қайеилар?

1. Агар ҳаммомнинг ери куруқ бўлиб, унда нажосат асари кўринмаса, у покдир.

2. Агар ҳаммомнинг ери нам бўлиб, нажосати билинса, устидан сув қуйиб, ўрага (канализацияга) оқизилса, пок бўлади.

3. Агар бир киши ҳаммомга бавл қилсаю, ғуслнинг суви бавлнинг устидан ранги кеттунича оқса, ўша жой пок бўлади.

Изоҳ: аслида ҳаммомда бавл қилиши яхши иш эмас. Бу инсонда власвасани келтириб чиқаради.

4. Ҳаммомнинг ери нишаб бўлиб, сув оқиб кетадиган бўлса, ғусл қилиш асносида ва ғуслдан кейин ҳам покдир. Чунки сув унинг устидан оқиб, нажосатни ювган бўлади.

16) Ванна, тоғорага тегишли поклик ва нажосатлик ҳукмлари қандай бўлади?

1. Ҳаммом тоғораси, ваннанинг нажаслиги билинмаса, у покдир.

2. Агар ҳаммом тогорасининг поклигига шак бўлса, ҳамма жойига сув қуийб ювиш билан у пок бўлади.

17) Балоғатга етган эркак кишига балоғатга етган кишининг қайси аъзолари аврат бўлади?

Киндикининг остидан тиззанинг остигача аврат бўлади. Бу ака-укаси ва отасига ўхшаш яқин қариндошлар ўртасида бўладими ёки узоқ қариндошлар ўртасида бўладими ёки бегоналар ўртасида бўладими, фарки йўқ. Кишининг ўз аврати, эрнинг аврати ўз хотинига ва аёлнинг аврати ўз эрига очилиши мустаснодир.

18) Балоғатга етган қизга балоғатга етган қизнииг қайси аъзолари аврат бўлади?

Уларнинг аврати эркакнинг аврати каби киндик остидан тиззагача бўлади.

19) Етти билан ўн ёш ўртасидаги ёш қиз ва ёш боланинг қайси аъзолари аврат ҳисобланади?

Уларнинг аврати жинсий аъзолари, унинг атрофи ва икки думбасидир. Тўрт ёшдан етти ёшгacha бўлган болаларда жинсий аъзоларнинг ўзигина авратадир.

20) Ўн ёшдан ўтган боланинг қайси аъзолари аврат саналади?

Унинг аврати балоғатга етган кишиники каби киндик остидан тизза остигача деб эътибор қилинади.



ТҮРТИНЧИ ФАСЛ

**МАҲСИ, ЖАВРОБ ВА ЖАБИРАГА (ЖАРОҲАТ УСТИГА
БОҒЛАНГАН НАРСАГА) МАСҲ ТОРТИШ ҲАҚИДА**

1) Масҳ тортиш ва маҳсииинг маъноси нима?

Масҳ тортиш – сув билан хўлланган қўлни бир нарсага суртиш.

Маҳси – икки оёқни тўпиқлари билан ёпиб турадиган оёқ кийими.

Маҳсига масҳ тортишнинг фарз бўлган миқдори маҳсининг болдирдан паст қисмига қўлнинг уч бармоғи миқдорича чизиқлар тортишdir.

2) Масҳ нима?

Ўнг оёқка ўнг қўл бармоқларининг орасини очган ҳолатда оёқ учидан то тўпиққача қўлни юргизиш ва чап оёқка чап қўл бармоқларининг орасини очган ҳолатда оёқ учидан то тўпиққача қўлни юргизиш масҳdir.

3) Масҳни кафт билан тортадими ёки бармоқлар биланми?

Масҳни кафт билан ҳам, бармоқлар билан ҳам тортса бўлади. Лекин энг яхиси қўлнинг ҳаммаси билан, яъни кафт ва бармоқлар билан тортишдир. Кафтнинг сирти билан ҳам масҳ тортса бўлаверади. Лекин ичи билан тортиш мустаҳабдир.

4) Маҳсига масҳ тортиш жоиз бўлиши учун нималар шарт қилинади?

1. Маҳси мукаммал таҳорат билан кийилган бўлиши.
2. Маҳси ҳар томондан тўпиқларни тўсиб турадиган бўлиши. Чунки тўпиқлар таҳоратда ювиладиган аъзолардир.
3. Маҳси узоқ вақт кийиб юришга яроқли даражада қалин бўлиши.
4. Маҳсилар боғланмасдан оёқда ўзини тутиб турадиган даражада ишланган бўлиши.
5. Маҳсида оёқ бармоқларининг кичигидан учтаси миқдорида йиртиқ бўлмаслиги.
6. Маҳсининг баъзи жойлари масҳ тортганда сувни оёққа ўтказадиган даражада юмшоқ, юпқа матодан ишланган бўлмаслиги.

5) Масҳнинг муддати қанча ва у қачондан бошланади?

Муқим (ўз шаҳрида яшаб турган) киши учун масҳнинг муддати бир кечакундуз, мусофир учун эса уч кечакундуздир. Масҳнинг муддати уни кийгандан кейин эмас, балки уни кийгандан кийин биринчи таҳорат синган вақтдан бошланади.

6) Маҳсидаги масҳни бузадиган нарсалар нималар?

1. Таҳоратни бузадиган барча амал масҳни ҳам бузади. Кейин ҳар таҳорат қилганда масҳ тортиш лозим бўлиб қолади.

2. Маҳсининг иккала пойини ёки бирини ечиш масҳни ботил (бекор) қиласи. Шунингдек, оёқ кўп қисмининг маҳсидан чиқиши ҳам масҳни ботил қиласи.

3. Агар масҳ тортилган икки оёқдан бири сув сабабли хўл бўлса, масҳ ботил бўлади ва иккала оёқни ҳам янгидан ювиш лозим бўлади.

4. Таҳоратли бўлса ҳам масҳ муддатининг тугаши масҳни синдиради. Бундай ҳолатда фақат икки оёқни ювиб, намоз ўқийверади. Унга қайтадан таҳорат олиш шарт эмас. Агар масҳ муддати тугаган вақтда бетаҳорат бўлса, янгидан мукаммал таҳорат олади.

7) Агар муқим масҳ муддати тугашидан олдин сафарга чиқса, масҳ муддатини мусофирилик муддатида тамом қиласими?

Ҳа, муқим мусофирини муддатини тугал қилиб, уч кеча-кундуз масҳ тортиши жоиз бўлиб қолади. Агар бир кеча-кундуздан олдин мусофири муқим бўлиб қолса, у муқимни муддатини тугал қилиб бир кеча-кундуз масҳ тортиши жоиз.

8) Аввал икки оёқни ювиб, маҳсини кийгандан сўнг таҳорат қиласа бўладими?

Ҳа. Агар таҳорат қилгунича таҳорат синадиган иш бўлмаса, маҳсини кийгандан кейин масҳ тортса бўлади.

9) Бир киши икки оёғини ювиб маҳсисини кийса, сўнгра таҳорат қилишдан олдин таҳоратни синдиридиган амал қиласа, ўша маҳсига масҳ тортса бўладими?

Бўлмайди. Таҳорат қилиб, қайтадан оёғини ювади.

10) Таҳоратли киши таҳоратини синдиришдан олдин оёғига маҳси кийиб таҳоратини бузса, ўша маҳсига масҳ тортса бўладими?

Бўлади. Чунки бу ҳолатда маҳси мукаммал таҳорат билан кийилди.

11) Таяммум билан маҳси кийган киши сув топса, маҳсисига масҳ тортадими ёки маҳсини ечиши керакми?

Маҳсини ечиб, оёғини ювади.

12) Маҳсига масҳ тортишда ният шартми?

Шарт эмас.

13) Агар маҳсининг бирини ечса нима қилади?

Иккала оёғини ҳам ювади.

14) Бир кишининг оёғи жароҳат туфайли боғланган бўлсаю, таҳорат асносида ўша боғичга масҳ тортиб, устидан маҳси кийган бўлса, ўша маҳсининг устига масҳ тортса бўладими?

Бўлади. Чунки жароҳат устидан қилинган масҳ ювиш ўрнига ўтади. Бу ювилган оёқ устига кийилган маҳсига ўхшайди

15) Таҳоратда ювиш фарз бўлган аъзонинг бир жойи сув тегмасдан қолиб кетса ва маҳсини кийганидан кейин ҳалиги жойни ювиб улгурмасидан таҳорати синса, нима бўлади?

Маҳсисига масҳ торта олмайди. Маҳсини ечиб, қайтадан мукаммал таҳорат қилиб кияди.

16) Икки жавробга (матодан тикилган оёқ кийими) масҳ тортишнинг қанақа шартлари бор?

«Жавроб» лугатда пайпоқ дегани. Лекин ҳозирги кундаги пайпоқлар ҳам араб тилида «жавроб» дейилгани билан уларга масҳ тортиб бўлмайди. Жавроб масҳ тортишга яроқли бўлиши учун унда қўйидаги шартлар топилиши керак:

1. Ўзидан бирор нарса ўтказмайдиган даражада қалин бўлиши.
2. Масҳ тортганда суви оёққа етмаслиги.
3. Икки оёққа боғланмасдан ўзини тутиб турадиган бўлиши.
4. У билан давомий равишда юриш имкониятига эга бўлиши.
5. Муқаммал таҳорат устига кийилган бўлиши.

17) Ости ҳам, усти ҳам теридан бўлган қаттиқ пайноққа масҳ тортса бўладими?

Юқоридаги шартлар топилса, тортса бўлади.

18) Жунуб одам ғусл қиласаю, лекин кўриниб турган бирор жойи ювилмай қолиб кетса, маҳси кийиб, унга масҳ тортса бўладими?

Оёғига маҳси кийганидан кейин ҳалиги қолиб кетган жойини ювиб олса, бетаҳоратлик етган пайтида оёғига масҳ тортаверади.

19) Танасида жароҳат ёки яраси бўлган киши қандай таҳорат қиласи?

1. Агар унга сув зарар бермаса, уни ювади.
2. Агар унга сув зарар берадиган бўлса, унинг устига хўл қўли билан масҳ тортади ва атрофини ювади.
3. Агар масҳ тортиш ҳам зарар берса, жароҳат устига боғич боғлаб, унинг устидан масҳ тортади. Куйганга ўхшаш ҳолатларда боғич боғлаш ҳам зарар қиласа, жароҳат атрофини ювади. Масҳ тортишни ҳам тарк қиласи.

20) Намоз ўқийдиган киши сув зарар берадиган жароҳат ёки яранинг устидан бирор нарса (масалан, лейкопластир) ёпишириб қўйса, унинг устидан масҳ тортиш вожиб бўладими?

Ҳа, ҳар бир гусл ёки таҳоратда унинг устидан масҳ тортиш вожиб бўлади. Ёпиштирилган нарсанинг устига масҳ тортиш аъзонинг ушбу қисмини ювганга ўхшайди. Агар уни алмаштиrsa ҳам, устидан қайта масҳ тортмайди.

21) Жароҳати ёки ярасига боғич ўрагаи киши боғичини ечиш учун табибга муҳтож бўлиб, ўзича еча олмаса, унинг устидан масҳ тортадими?

Ҳа, боғични ечиш жароҳатга зарар берадиган бўлса, ечмай, устидан масҳ тортиб туради. Агар боғични ечиш жароҳатга зарар бермаса, уни ешиб, жароҳат ёки яранинг атрофини ювади. Агар икки боғич ўртасида очик жой бўлиб, у жойдан бадан кўриниб турса ва ўша жойни ювадиган бўлсаю, боғич хўл бўлиб, сув жароҳатга етиб бориб зарар берса, у жойни ҳам ювмайди, фақатгина устидан масҳ тортиб қўяди.

22) Бошда жароҳат бўлса, нима қилади?

Агар бошда масҳ тортиш фарз бўлган тўртдан бир қисми даражада соғ жой бўлса, бошнинг ушбу қисмига масҳ тортади. Агар бошнинг ҳамма қисми жароҳатланган бўлса, жабирага (бош устидаги боғич) масҳ тортади.

23) Жароҳатига боғич боғлаб олгандан сўнг, ундан қон ёки йиринг ташқарига оқиб чиқсан кишининг ҳукми нима бўлади?

1. Агар қон кўп бўлиб, боғич бўлмаса, ўз жойидан оқиб кетадиган даражада бўлса, таҳорат бузилади. Бу ҳолатда қон ва йиринг најас ҳисобланади.

2. Лекин қон ўз жойидан оқмайдиган даражада кам бўлса, таҳорат бузилмайди, ўша қон ва йиринг эса пок ҳисобланади.

24) Агар бир киши боғичга масҳ торганда жабира тушиб кетса ва жабирани алмаштиrsa, нима қилади?

Бу ҳолатда қайтадан масҳ тортиб қўйгани яхши.

25) Бир киши бирор аъзосидаги жароҳатга мазёки крем каби малҳам суртган бўлсаю, таҳорат қилаётганида сув тегиши сабабли ўша малҳам тушиб кетса, нима қиласди?

Агар малҳам тузалиб тушган бўлса, қайтадан ювиш лозим бўлади. Агар бундай бўлмаса, ювиш шарт эмас.

26) Бир кишининг тирноги синган бўлиб, унинг устига дори қўйган бўлса, дорини олиб ювиш зарар қилса, нима бўлади?

Дори устидан масҳ тортади.

27) Бир кишининг бирор аъзосида ёриқлари бўлса, нима қиласди?

Агар қодир бўлса, унга сув қуиб ювади. Агар қодир бўлмаса, унинг устига масҳ тортади. Агар унга ҳам қодир бўлмаса, ёриқнинг атрофини ювади.

28) Икки тирсагида жабираси бор киши уни масҳ ниятида сувга ботирса, нима бўлади?

Масҳ бўлмайди ва у сувни ҳам бузади. Агар бу жабира кафти ёки бармоқларида бўлса, масҳ жоиз бўлади ва сувни бузмайди.

29) Жабирага ёки яранинг устидаги ярабоғичга масҳ тортиш остидаги нарсани ювган ҳукмига ўтадими?

Ўтади. Чунки бу бадал ҳисобланмайди. Агар бир оёғида жабира бўлса, унга масҳ тортади ва иккинчисини ювади.

30) Агар боғич икки қават бўлса ва устки қавати тушиб кетса, нима бўлади?

Тагидагига қайта масҳ тортиш вожиб эмас.

31) Жабирага масҳ тортишнинг ҳукмлари қандай?

– Жабирага масҳ тортиш бир вақт билан чегараланмаган.

– Жабиранинг таҳорат ёки таҳоратсизлик устига боғланишининг фарқи йўқ.

– Жабирага катта ёки кичик бетаҳоратликнинг фарқи йўқдир.

– Жабирага масҳ тортишда ҳам ният шарт эмас.

Изоҳ: «катта бетаҳоратлик» жунубликдир. Шунга кўра, жанобатдан сўнг гусл қилганда ҳам жароҳат устидан масҳ тортиб қўяди.

32) Бир кишининг бир оёғида жароҳат бўлса, унинг устига жабира боғлаб, кейин таҳорат қилсаю, жабира устига масҳ тортиб ўша оёгини ювгач, соғлом оёққа маҳси кийса, маҳсининг устидан масҳ тортиб юриши жоизми?

Жоиз бўлмайди. Агар жароҳати бор оёқнинг жабираси устига масҳ тортиб, қолган қисмини ювиб, икки пой маҳсини ҳам кийган бўлса, кейин икки маҳсининг устидан масҳ тортиб юрса, жоиз бўлади. Бир оёқни ювиб, иккинчисига масҳ тортиш билан икки хил поклашни бир хил аъзода жамламайди.

33) Бир кишининг бир оёғида ҳуснбузар бўлиб, икки оёғига маҳси кийсаю, кейин таҳорати синиб иккисининг устига масҳ тортганча кун бўйи намоз ўқиб юрганида кечки пайт маҳсини ечиб қараса, ҳуснбузар ёрилган бўлса, нима қиласди?

Агар яранинг боши қуриган бўлсаю, у киши маҳси ни тонг отиш пайтида кийиб, хуфтондан кейин ечган бўлса, бомдод намозини қайта ўқимайди, қолган намозларини қайта ўқииди. Агар яранинг бошида қоннинг нами бўлса, ҳеч қайси намозни қайта ўқимайди. Чунки у яқинда чиққан бўлади.

34) Бир кишининг қўлида яра бўлса, кейин бармогига зардоб ёки йод ёки малҳам суртса, у яранинг ўрнидан ташқарига чиқиб кетса, кейин таҳорат қилиб, унинг устидан масҳ тортса жоизми?

Жоиз. Фақат шарти шуки, масҳ боғичнинг ҳамма жойини қамраб олсин. Шу каби қон олдирган киши ҳам жароҳати устига масҳ тортади.

35) Жароҳат боғланган боғични тўлик (ҳамма жоийга) масҳ тортиш вожибми?

Боғичнинг ярмидан кўпроқ қисмига бир маротаба масҳ тортиш вожиб бўлади. Бошқа мазҳабларда боғичнинг барча қисмига масҳ тортиш вожиб. Бизнинг ҳанафий мазҳабида боғичнинг барча қисмига масҳ тортиш фарз эмас, балки афзалдир.

36) Боғичга, жабирага масҳ тортиш учун улар поклик ва таҳорат устига боғланган бўлиши шартми?

Булар поклик ва таҳорат устига боғланган бўлиши шарт эмас. Чунки булар заруратдан пайдо бўлган ҳолатлардир.

37) Намозда жароҳати тузалмасдан жабираси тушиб кетган киши нима қиласди?

Намозида давом этаверади. У бетаҳорат бўлмайди ҳам, намозини қайта ўқимайди ҳам.

38) Намоздан ташқарида жароҳат тузалмасдан жабираси тушиб кетса, нима бўлади?

Жабирани қайтадан боғлаб қўяди. Агар таҳоратли бўлса, қайта масҳ тортиши шарт эмас.

39) Намознинг ичидаги жароҳат тузалиб, жабира тушиб кетса, нима бўлади?

Намози бузилади. Жабиранинг ўрнини ювиб, намозни қайтадан ўқиади.

40) Жабира билан адод этилган намозлар қайта ўқиладими?

Қайта ўқилмайди.

41) Маҳсига масҳ тортиш билан жабирага масҳ тортишнинг ўртасида нима фарқ бор?

Маҳсига масҳ тортишнинг муддати бор. Жабирага масҳ тортишнинг муддати эса жароҳат тузалгунича. Маҳсини таҳоратли ҳолда кийиш шарт. Жабирада таҳорат шарт эмас. Маҳсининг ечилиши масҳни бекор қилади. Жабирада бундай эмас.

42) Боғичга ёки жабирага тортилган масҳ қачон бузилади?

Таҳоратнинг бузилиши билан бу масҳ ҳам бузилади. Шунингдек, жароҳат тузалиб, шифо топгач, жабира ва боғич тушиб кетиши билан ҳам бузилади. Бир киши шифо топгандан кейин таҳоратли ҳолатида жабирани ечса, унга ғусл ва таҳоратни қайтадан қилиш возможиб эмас, фақат масҳ тортилган жойнинг ўзини юваб қўяди. Агар жароҳат устида бир парча боғич бўллаги ёки дори қотиб, ёпишиб қолган бўлса ва уни олиб ташлаш жароҳатга зарар қилса, ўша ёпишган нарсанинг устинигина юваб қўяди. Бунинг зарари йўқ.



БЕШИНЧИ ФАСЛ

ТАЯММУМ ҲАҚИДА

1) Таяммумнинг маъноси нима?

«Таяммум» луғатда қасд қилишdir. Истилоҳда эса тупроқ, қум, тош ва кичик тошчаларга ўхшаган ер жинсидан бўлган пок нарсалар билан икки қўл ва юзга масҳ тортиш таяммумdir. Таяммум таҳоратга ўринбосар бўлгани каби жанобат (катта бетаҳоратлик)дан ғусл қилишга ҳам ўринбосардир. Лекин таҳорат ўрнига қилинган таяммум билан ғусл ўрнига қилинган таяммумнинг орасида фарқ йўқ.

2) Инсон қачон сувга қодир эмас ҳисобланади?

1. Ёнида сув бўлмагандан ёки сув ундан бир мил, яъни 1848 метр узоқда бўлганида.

2. Сув яқин бўлсаю, лекин жонига ҳайвон ёки душмандан зарап етиб қолишидан кўрқса.

3. Сувга яқин бўлсаю, лекин ҳибсдалиги ёки идиш йўқлиги сабабли сувга етишга қодир бўлмаса.

4. Ёнида озгина сув бўлсаю, лекин ўзига ёки бошқага ташналик етиб қолишидан кўрқса.

5. Ёнида таҳорати учун кифоя қилмайдиган даражада кам сув бўлса.

3) Инсон қачон сув ишлатишдан ожиз ҳисобланади?

1. Сув ишлатса, бундан заарал бўладиган касалликка чалинган бўлса.

2. Соғ бўлсаю, лекин қаттиқ совуқ сабабли касал бўлиб қолишдан кўрқса ва сувни иситадиган нарса тополмаса.

3. Таҳоратга қодир бўлмайдиган даражада касал бўлса ва таҳорат ёки ғул учун ҳаракат қилиш унга зарар берса.

4. Вақт озлигидан жаноза ёки ҳайит намозининг вақти ўтиб кетишидан кўрқса. Чунки бу икки намоз қазо қилинмайди.

5. Таҳоратга қодир бўлмайдиган даражада касал бўлса ва таҳорат қилдириб қўядиган киши ҳам топилмаса, таяммум қилиб намоз ўқийверади ва унинг зиммасига намозни қайта ўқиш вожиб бўлмайди.

4) Таяммумнинг руқнлари қайсилар?

1. Юзниң барча қисмига масҳ тортиш.

2. Икки қўлга тирсаклари билан бирга масҳ тортиш.

5) Таяммум дуруст бўлиши учун нималар шарт?

1. Таяммумни мубоҳ қилувчи (таяммумга рухсат берувчи) узр топилиши.

2. Ният.

3. Таяммумни бетаҳоратликдан покланиш ёки намозни мубоҳ қилиш мақсади билан қилиш. Чунки агар Қуръон қироат қилиш ёки уни ушлаш ёки масжидга кириш нияти билан таяммум қилинса, бу таяммум билан намоз ўқиш дуруст бўлмайди.

4. Таяммум ер жинсидан бўлган пок нарса билан қилиниши.

5. Таяммум кафтнинг ички томони билан икки зарбада бўлиши. Бир зарба юзга ва яна бир зарба икки қўлга масҳ тортиш учун.

6. Масҳни юзга ва қўлларга тўлиқ қилиш. Узук остига масҳ қилиш учун уни ҳаракатлантириб қўйиш можиб. Уни ечиш афзалдир. Таяммум қилиш учун қўлини ер жинсидан бўлган нарса устига урганда тупроқ ёки чанг қўлига ёпишиши шарт эмас.

6) Намоз ўқувчига намоз вақти ўтиб кетишидан олдин сувга етишиш гумони ғолиб бўлса, унга таяммумни кечиктириши мандубми?

Ҳа, лекин агар касал бўлса ёки сувга етишидан ноумид бўлса, таяммумни кечиктирмайди.

7) Таяммум катта ва кичик бетаҳоратлик (ғул ва таҳорат)ни биргаликда соқит қиладими?

Ҳа, бу иккисига битта таяммум кифоя қиласди.

8) Бир киши таяммум қилиб намоз ўқиса, сўнг сув топса, унга таҳорат ва намозни қайтариш лозим бўладими?

Унга таҳорат ва намозни қайтариш лозим бўлмайди. Гарчи ҳали вақт бемалол бўлса ҳам.

9) Бир таяммум билан нималар қилиш мумкин?

Бир таяммум билан хоҳлаганича фарз ва нафл намозларни ўқиши мумкин. Чунки сув йўқ ҳолатда таяммум покловчиидир. Модомики таяммумнинг шарти топилса, у ўз амалида қолаверади.

10) Таяммум қилувчи яқин атрофида сув борлигига гумони ғолиб келмаса, унинг сув қидириши можиби?

Таяммум қилувчи яқин атрофида сув борлигига гумони ғолиб келмаса, унинг сув қидириши можиб бўлмайди. Агар яқин атрофида сув борлигига гумони ғолиб келса, уни қидирмасдан таяммум қилиши жоиз бўлмайди. Агар ҳамроҳида сув бўлса, таяммум қилишдан олдин ундан сўрайди. Агар ҳамроҳи сув бермаса,

таяммум қилиб намоз ўқиёди. Агар ҳамроҳидан сув сўрамасдан таяммум қилса ҳам дуруст бўлаверади.

11) Таяммумни бузувчи нарсалар нималар?

1. Таҳоратни бузадиган ҳар бир нарса таяммумни ҳам бузади.

2. Сув ишлатишга қодир бўлатуриб, сувни кўриб қолиши ҳам таяммумни бузади.

12) Бир киши бир жойда таяммум қилса ва ундан кейин бошқа киши яна ўша жойда таяммум қилса, дуруст бўладими?

Ҳа, дуруст бўлади. Чунки тупроқ истеъмол (таяммум) қилиниши билан таҳорат қилинган сувга ўхшаб мустаъмал (ишлатилган) бўлиб қолмайди.

13) Таяммум пайтида бармоқларни хилол қилиш ва узукни ечиб қўйиш керакми?

Ҳа, хилол қилиш ва узукни ечиб қўйиш лозим.

14) Қўли тирсагидан кесилган одам қандай таяммум қилади?

Кесилган ўрнига масҳ тортади.

15) Таяммум қилган киши таҳоратга кифоя қилмайдиган сув топса, таяммуми синадими?

Модомики сув таҳоратга етмас экан, таяммуми синмайди. Шу каби жунубликдан таяммум қилган кишининг ғусл қилишга кифоя қилмайдиган сувни топиши билан ҳам унинг таяммуми синмайди.

16) Ухлаб ва ихтиёридан ташқари бирор ҳолатда билмасдан сувнинг олдидан ўтиб кетган таяммум қилувчининг таяммуми синадими?

Йўқ, синмайди. Чунки у сувга тўлиғича етгани йўқ.



ОЛТИНЧИ ФАСЛ

ҲАЙЗ, НИФОС ВА ИСТИҲОЗА ҲАҚИДА

1) Ҳайзниң маъноси нима?

«Ҳайз» лугатда «оқиши» деганидир. Истилоҳда эса балоғатга етган, бачадонида касаллик бўлмаган, ҳомиладор бўлмаган ва бола туғишдан ноумидлик ёшига етмаган аёлнинг бачадонидан оқадиган қондир.

2) Ҳайзниң ҳайз деб эътибор қилиниши учун қандай шартлари мавжуд?

– Вақт. Бу тўққиз ёшдан ноумид ёшигача бўлган вақт. Ноумидлик ёши уламолар томонидан 55 ёш деб белгиланган. Лекин ноумидлик ёшига етган аёл ҳақиқий ҳайз сифатидаги қон кўрса, ҳайз ҳисобланаверади.

– Қоннинг ташқи фаржга (аёлнинг жинсий аъзосига) чиқиши.

– Қонларнинг ранги қора, қизил, сариқ, лойқа, яшил, тупроқ ранг каби олти хил рангда бўлиши.

– Ҳайзниң муддати. Уч кундан ўн кунгача.

– Ҳайздан олдинги поклик камида ўн беш кун бўлиши.

– Бачадонда ҳомила бўлмаслиги.

3) Бачадоннинг маъноси нима?

У ҳомила ривожланадиган жойдир.

4) Нима учун эллик беш ёшдан ошган аёл ноумидлик ёшида деб айтилади?

Чунки бу ёшда кўп ҳолатларда аёл киши ҳайз кўришдан тўхтайди, ҳомиладор бўлиш ва туғишдан ноумид бўлади. Лекин яшаш шароити ва табиий ҳолатнинг эътиборидан бу нарса эртароқ бошланиши ҳам мумкин. Ноумидлик ёши ҳозирги замонавий тилда «климакс вақти» ҳам дейилади.

5) Ҳайз қандай келади?

Ҳайз одатда ҳар ойнинг маълум бир даврларида келади. Ҳайз ўз муддати ичидаги узлуксиз равишда келиши шарт эмас. Гоҳида тўхтаб-тўхтаб, бир кунда бир марта ёки икки марта келиши ҳам мумкин.

6) Ҳайзниң муддати қанча?

Ҳайзниң оз муддати уч кеча-кундуз, кўпи эса ўн кечакундуздир.

8) Икки ҳайз орасидаги покликнинг энг оз муддати қанча?

Ўн беш кун.

9) Агар ҳомиладор аёл қон кўрса, унинг ҳукми нима бўлади?

Бу кам учрайдиган қон бўлиб, истиҳоза (касаллик) қони деб эътибор қилинади.

10) Ҳайз даврида оқ (поклик) суви келишидан олдин бир ёки икки кун қон тўхтаб, яна келса, орадаги бу кунларнинг ҳукми нима бўлади?

Улар ҳам ҳайз кунларидан ҳисобланади. Ушбу кунларда ҳам аёлнинг зиммасига намоз ўқиш ва рўза тутиш вожиб бўлмайди.

11) Аёл қачон ҳайздан пок бўлади?

Аёлнинг ҳайз қони тўхтаб, ҳайз учун қўйилган латтада соф оқ суюқлик (поклик суви) пайдо бўлса, аёл ҳайздан покланган ҳисобланади. Ҳайздан кейин келадиган бу соф оқ суюқлик «поклик суви» ҳам дейилади.

12) Аёллар ҳайз асносида кўрадиган сариқ ва лойқа суюқликнинг ҳукми нима?

Унинг ҳукми ҳайзниң ҳукми кабидир. Аммо ҳайздан поклангандан кейин кўрадиган сариқ ва лойқа рангли суюқлик ҳайз эмас.

13) Кекса ёшли аёл фаржига пахта қўйган бўлса, кейин пахтада сариқ, яшил, лойқа ранглардан бирини кўрса, нима бўлади?

Агар пахтани қўйганидан кейин кўп муддат ўтган бўлса, у ҳайз қони эмас. Чунки қари аёлнинг бачадони касалликдан холи бўлмагани учун шу касаллик сувлари туриб қолган бўлиши мумкин. Агар оз муддат бўлган бўлса, у ҳайз қони ҳисобланади.

14) Ҳайзи келмаган аёл фаржига қўйилган пахтада қон изини кўрса, нима қиласади?

Пахтани олган вақтидан бошлаб ҳайз кўрган ҳисобланади. Агар ҳайз кўрган аёл фаржига қўйган пахтада қон изини кўрмаса, пахтани қўйгандан бошлаб ҳайзи тугаган ҳисобланади. Ҳайз даврида қоннинг оқиши шарт эмас, сизиб чиққани ҳам кифоя қиласади.

15) Ким ҳайзи бошланган қиз саналади?

Биринчи марта ҳайзи келган, тўққиз ёшдан катта бўлган, балоғатга етган қиз шундайлардан ҳисобланади.

16) Биринчи марта ҳайз кўрган қизнинг ҳайзи ўн кундан кўп келса, нима деб ҳисобланади?

У истиҳоза (касаллик қони) деб ҳисобланади.

17) Ҳайз кўриш одати етти кун бўлган аёлнинг ҳайзи беш ёки олти кунда тўхтаса, нима қиласди?

У фусл қилиб, намоз ўқийди ва рўза тутади. Лекин унинг одатдаги ҳайз кунлари тугал бўлмагунича эри билан яқинлик қилиши ҳалол бўлмайди. Чунки бу аёл кўрган нарса ҳақиқий поклик бўлмай қолишининг хафви бор. У ўз одатига қайтиши мумкин.

Агар унинг одати етти кун бўлса, лекин ҳайз қони тўққиз ёки ўн кунгача чўзилса, унинг одати тўққиз ёки ўн кунга ўзгарди, деймиз. Чунки аёлнинг ҳайз муддати шаръий белгиланган чегарадан (ўн кундан) ўтиб кетмади.

18) «Соҳиби одат» нима дегани?

Ҳайз кўриш одати ва поклик кунлари маълум бўлган аёл. Масалан, етти кун ҳайз кўриб, бир ой пок юрадиган аёлнинг ҳайз одати етти кун ва поклик одати бир ойдир.

19) Агар «соҳиби одат» бўлган аёл ўн кундан ортиқ ҳайз кўрса, нима бўлади?

Агар бир аёлнинг ҳайз кўриш одати етти кун бўлсаю, ҳайзи ундан ўтиб, ўн кундан ҳам ошса, одати (етти кун)дан кейинги кунлари истиҳоза (касаллик) қони ҳисобланади. Чунки бу аёл кўрган аввалги етти кун одатига мувофиқ ҳайз кунлари бўлади. Ундан кейинги кунлар эса истиҳоза қони бўлади. Агар қон ўн кунда тўхтаса, у ҳайз қонидир ва унинг одати ўзгариб, ўн кунга айланган бўлади.

Ҳайз кўришни энди бошлаган аёлга олти кун ҳайз келиб, сўнг тўхтаб қолса, демак, унинг одати олти кундир. Агар келаси ойда етти кун ёки тўққиз кун ҳайз келса, унинг одати ўзгарган бўлиб, одати етти ёки тўққиз кунга айланади. Бу ўринда ҳайзда событ (бир тўхтамга келган) одат йўқдир. «Одат» лафзидан мақсад, аёлга

ҳайзининг охирини билдирадиган муддатdir. Ҳайзнинг ушбу охирги муддатида аёл ҳайздан пок бўлади.

20) Нифоснинг маъноси нима?

«Нифос» луғатда «туғиши»ни билдиради, истилоҳда эса аёл туққандан кейин келадиган қон нифосдир. Агар боланинг баъзи хилқати (яралган аъзоси) билиниб турган гўштпора (чала туғилган) бўлса ҳам, ундан кейин келган қон нифос ҳисобланади.

21) Нифоснинг муддати қанча?

Нифоснинг энг кўп муддати қирқ кун, озининг чегараси йўқ. Чунки нифос қони гоҳида бирдан тўхтаб қолади ва тезда тугайди. Гоҳида эса кечикади.

22) Нифос кўрадиган аёлнинг одати ўттиз беш кун бўлса-ю қирқ кундан ошиб кетса, бунга нима дейилади?

Унинг одати эътиборга олиниб, одатидан ошган кунлари истиҳоза (касаллик) қони ҳисобланади. Агар одатдан ташқари қон қирқ кундан ошмаса, у нифос қони ҳисобланади ва ҳайздагидек унинг одати ўзгариб, қирқ кунга айланган бўлади.

23) Туғишдан олдин ёки туғиш асносида чиққан қоннинг ҳукми нима?

У нифос эмас, истиҳоза (касаллик) қонидир. Агар ҳомиладор аёл тўлғоқ ҳолатида қон кўрса ва туғиши кечикса, қонни ювиши, агар қодир бўлса, намоз ўқиши лозим бўлади.

24) Истиҳозанинг маъноси нима?

Истиҳоза луғатда «оқишининг давом этиши», истилоҳда эса одатий ҳайз ва нифос қони келадиган вақтлардан бошқа пайтда касаллик ёки ичнинг бузилиши сабабли келадиган қондир.

25) Истиҳозанинг ҳукми нима?

Истиҳоза қони худди кичик бетаҳоратлик кабидир. Унинг асарини (қон юқини) ювиб, таҳорат қилиш во-жиб бўлади. У намозни соқит қилмайди, рўзага таъсир қилмайди ва бирорта ибодатдан тўсмайди.

26) Тўққиз ёшдан кичик ёшдаги (балоғатга етмаган) қиз қон кўрса, унинг ҳукми нима бўлади?

Бу истиҳоза (касаллик) қони бўлади.

27) Агар аёлга қон келиб, уч қундан оз муддатда тўхтаб қолса, бунинг ҳукми нима бўлади?

У истиҳоза қонидир. Шу каби қон аёлнинг одатидан ошиб кетса ҳамда ўн қундан ҳам ўтиб кетса, одатидан кейингиси истиҳоза қони бўлади.

28) Ҳайз кўриш одати саккиз кун бўлган аёлда ўн икки кун қон келса, ортиқчасининг ҳукми нима бўлади?

Бу истиҳоза қонидир.

29) Агар аёл ҳайздан ёки нифосдан пок бўлса, унга ғуслдан олдин эр-хотинлик муомаласи ҳалол бўладими-йўқми?

Бизнинг ҳанафий мазҳабимизнинг уламолари айтишади: «Агар қон ҳайзнинг кўпи муддати бўлмиш (ўн кун)да тўхтаса ёки нифоснинг кўпи муддати бўлмиш (қирқ кун)да тўхтаса, унда аёл учун ғуслдан олдин эр-хотинлик муомаласи ҳалол бўлади. Чунки у ҳақиқий, қатъий пок бўлди».

Агар аёлнинг қони одатида ёки одатидан кўп муддатда тўхтасаю, лекин бу муддат ҳайзда ўн қундан кам ва нифосда қирқ кунидан кам бўлса, аёлга фақат қуидаги икки ишнинг биридан кейин эр-хотинлик муомаласи ҳалол бўлади:

1. Ғул қилгандан кейин.

2. Покликдан кейин бир намознинг вақти ўтиши билан ғусл қилмаса ҳам эр-хотинлик муомаласи ҳалол бўлади.

Бир намознинг вақти ўтиши билан аёл ҳукман пок бўлади. Лекин намозни ўтказиб юборгани учун гуноҳкор бўлади. Агар аёлнинг одатидан кам муддатда ҳайзи тўхтаса, агар ғусл қилган бўлса ҳам унга одати тугагунча эр-хотинлик муомаласи ҳалол бўлмайди. Чунки у одатига қайтиши мумкин. Лекин бу аёл эҳтиётдан рўза тутади ва намоз ўқииди.

30) Одатий истиҳозанинг вақтлари қайсилар?

Ҳайз ва нифосда шариат белгилаган муддатдан кам ва кўп бўлган, ҳайз ва нифосда одатга эга бўлган аёлнинг одатидан ташқари бўлган вақтлар истиҳозанинг вақтларидир.

31) Ҳайз ва нифос ҳолатида ҳаром қилинган ишлар нималар?

Намоз ўқиши, рўза тутиш, Куръон ўқиши ва Мусҳафни ушлаш, масjidга кириш, Каъбани тавоғ қилиш, ҳайдаги аёлнинг киндиги билан тизза орасидан фойдаланиш.

32) Ҳайз ва нифос кўрган аёллар зикр ва дуони ният қилиб Куръон оятларини ўқишига, жоиз бўладими?

Ха, мисол учун бир аёлнинг зикрни ният қилиб, «Бисмиллаҳир роҳманир роҳим» дейиши жоиздир.

33) Ҳайз кўрган аёл ва жунуб киши учун тафсир, фиқҳ ва ҳадис каби шаръий китобларни ўқиши ҳаром бўладими?

Одатда ҳаром бўлмайди. Лекин тафсир китобидаги оятлар тафсирнинг ҳажмидан кўпроқ бўлса ҳаромдир. Агар акси бўлса, уни ушлаш ва кўтариш жоиздир.

34) Ҳайз ва нифос кўрган аёлга ҳамда жунубга Куръонни ушлаш ҳаром бўладими?

Ҳа, гарчи муқоваси ёки (оят ёзилмаган) оқ жойидан ушланса ҳам, Қуръоннинг ҳаммасини ушлаш ҳаром бўлади. Шунингдек бир лавҳ (тахта)да ёки идишда ёки тақинчоқда Аллоҳнинг китобидан оят ёзилган бўлса, ҳайз ва нифос кўрган аёлга ва жунуб кишига уни ушлаш ҳаромдир. Агар Қуръон ажраб турадиган мустақил ғилофга ўралган бўлса, ҳайз ва нифос кўрган аёл ва жунубнинг уни кўтариши жоиз бўлади. Агар Қуръон тушиб кетиши, ёниб кетиши, хорланиши ёки душман қўлига тушиб қолиш хафви туғилса, гарчи ажралувчи мустақил ғилофга ўралмаган бўлса ҳам мазкур (ҳайз ёки нифос кўрган ва жунуб) кишиларнинг уни кўтариши жоиздир.



ҲАНАФИЙ ФИҚХИДАН

С А В О Л - Ж А В О Б Л А Р

Ҳасан Қодиров

Таҳорат китоби



Тошкент 2017

Ношир: *Исмоил Мұхаммад Содиқ*

Техник мұхарріп: *Мансур Қаюмов*
Сәхіфаловчы: *Ҳабибуллоҳ Шукруллоҳ*
Бадийи мұхарріп: *Абдулбосит Қамбаров*
Мүкова дизайнери: *Үйгүн Солиқов*

Нашр лицензияси № AI 235, 13.02.2013 йил.

Босишига рухсат этилди 12.05.2017. Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$.
Times New Roman гарнитураси. Офсет босма. Босма табоги 6.
Шартли босма табоги 3,51. Адади 5000 нұсха.
Бүйртма №26. Баҳоси келишилған нархда.

«Hilol-Nashr» нашриёт босмахонаси
100185, Тошкент шаҳри, Сўтгалли ота, 5

36
Уз

Ушбу рисола
Ислом фикхининг муҳим
мавзуларига оид
савол-жавоблардан
тузилган

فقہ العناویات

Ҳасан Қодиров





الْعَلَامَاتُ

ҲАНАФИЙ ФИКХИДАН

САВОЛ - ЖАВОБЛАР



ISBN 978-9943-4819-2-3

9 789943 481923